

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК – 002:808 (548.4)**

УМАРОВА ЁРҚИНОЙ НЎЪМОНОВ

**“Ўзбекистон адабий-бадий нашрларида танқидчилик
муаммоларининг ёритилиши” (Ўзбекистон адабиёти ва
санъати газетаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Театр”
журналлари материаллари мисолида)**

**Мутахасссик – 5А320101– Журналистика (фаолият турлари бўйича)
магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
ф.ф.д.Маматова Я.М.**

Тошкент - 2013

М У Н Д А Р И Ж А

I. Кириш.....	4
1-БОБ. АДАБИЙ-БАДИЙ ТАНҚИДЧИЛИКНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА МАТБУОТ ВАЗИФАЛАРИ	
1.1. Танқидчилик – адабий ва публицистик фаолиятнинг тури сифатида.....	11
1.2. Матбуотда танқидчилик унсурларининг акс этиши.....	22
2-БОБ. МАТБУОТДА МИЛЛИЙ ТАНҚИДЧИЛИК “МАКТАБИ”НИНГ ЯРАТИЛИШИ МУАММОЛАРИ ТАЛҚИНИ	
2.1 Матбуотда адабий-бадий танқидчилик самарадорлигининг омиллари.....	38
2.2. Танқид ва муаллиф “мен”и.....	47
3-БОБ. АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАРИДА ТАНҚИДЧИЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ УСУЛЛАРИ	
3.1. Матбуотда танқидчилик тараққиётига доир бахс-мунозаралар	64
3.2. Танқидчилик материалларининг танқидий таҳлили.....	78
III. Хулоса.....	88
IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	93
V. Иловалар.....	96

КИРИШ

“Танқид :

- бирор нарсага баҳо бериш мақсадида уни таҳлил қилиш, муҳокама этиш;
- муайян нарса ҳақида салбий фикр билдириш;
- камчиликларни атрофлича асослаш ва ҳал этиш мақсадида билдириладиган фикр-мулоҳазалар йиғиндиси”¹.

Танқид тараққиёт омилидир. Фақат бунинг асоси сифатида танқиднинг ўринли эканлиги алоҳида аҳамиятли. Боиси, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун кўтарилаётган муаммо далилланган, асоланган бўлиши шарт. Шунда ижобий натижага эришилади. Танқид, танқидчилик кенг камровли жараён. Унинг негизида жамиятнинг жамики оғриқли нуқталари мавжуд. Аммо, танқидчиликнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа жиҳатларини бадиий адабиётга кўчириш, бадиий талқин асосида унинг таъсир жиҳатини янада ошириш мумкин. Буни бир ном остида – адабий танқидчилик дея эътироф этамиз.

“Адабий танқид – адабий фаолият тури, бадиий асарни, шунингдек, бу асарда акс эттирилган ҳаёт ҳодисаларини таҳлил ва талқин этиш. Адабий танқид адабиётшуносликнинг мустақил соҳасидир”².

Аммо, адабий танқидда ҳам танқиднинг умумий хусусиятлари ўз аксини топади. Фарқли томони эса адабий танқид инсон руҳияти бирламчи босқичга кўтаради.

Умуман олганда, бадиий адабиёт, бадиий асар тўғрисидаги фикр, адабий-танқидий мақола талқини – оддий ҳодиса эмас. Бу жараён мунаққиддан кенг камровли билимни, дид ҳамда фаросатни талаб этади. Чунки ҳар қандай ижодкор ўз ёзган асарининг жамият томонидан қабул қилинишига бефарқ бўлолмайди, кимдандир муносабат кутиши табиий. Бироқ, танқиддан бировнинг кўнгли шод бўлмайди. Ҳеч бир ижодкор ўзининг танқид

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 266.

² Ўша манба. – Б. 267.

килинишини истамайди. Бир шоир таъбири билан айтганда, “ширин оғу” саналган мақтов кўпчиликка хуш ёқади. Аммо у одамни заҳарлаб, оқибатда маънан ўлдиради.

Диссертация мавзусининг долзарблиги. “Айни вақтда оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олдимизга қатъий қилиб қўймасак, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш устида аввало ўзимиз, шу касбнинг ҳақиқий фидойилари бош котирмасак, ўйлайманки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди”³.

Фикр нечоғлик кескир бўлса, унинг замирида ётган масала демакки, шу қадар долзарб. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан куюнчаклик билан баён қилинган мазкур мулоҳазалар ҳар бир соҳа вакилини ўз фаолиятига нисбатан албатта, теранроқ, ўзига нисбатан танқидий кўз билан назар ташлашга ундайди.

Шиддат билан тараққий этиб бораётган жамиятимизда айрим ҳолларда, бугунги куннинг мушоҳадалари эртага ўз мазмун-моҳиятини тўлалигича акс эттира олмаяпти. Аммо, инсон маънавиятига дахлдор, унинг камолоти учун хизмат қиладиган ҳар қандай фикр асрлар ўтса ҳамки, моҳиятан таъсирчанлигининг ошиб бораётганлиги айни ҳаёт ҳақиқати.

“Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва муҳолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислохотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди”⁴.

³ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. – Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 242.

⁴ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. – Т.14 – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 52-53.

Фидойилик негизда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари зиммасига юклатилган энг муҳим вазифа – ҳаққонийлик ва холислик масалалари доимий равишда аҳамиятли. Шу боис ОАВлари жамият кўзгуси сифатида атрофимизда содир бўлган ва бўлаётган жамики хато, камчиликлар, ютуғу-муваффақиятларни бор бўйича, қандай бўлса шундай акс эттириши, халқ айтиши шу асосда муҳим хулосаларга эга бўлиши керак. Шунда миллат ўзи яшаётган олам ҳақида тасаввурини бойитади. Фақат бундаги асосий мақсад берилаётган ахборотларни ҳаёт ҳақиқатлари негизда тақдим этишдан ва миллат ишончининг бардавомлигини таъминлашдан иборатдир. Аслида ОАВлари олдида турган айтиши шундай маъсулиятли вазифани адо этиш асносида касбий этика масалалари билан бирга, халқ қаршисида мутахассис сифатидаги жавобгарлик ҳисси ҳам ўз исботини топади. Танқидчилик – мазкур кичик қоидалар таркибида шаклланади ва мустақил фаолият сифатида намоён бўлади. Ҳар бир давлатнинг адабий жараёни борасида маълум хулосалар қилишда танқидчиларнинг таъсири жуда катта. Бу ҳуддики, эҳтиёжга ўхшайди. Илмий дозарблилигини асослайдиган бўлсак, танқидчи адабий жараённинг соғлом муҳитини яратувчиси. Танқидчи маълум бир воқеа-ҳодисалар, танлаган объектини ўзининг илмий қарашлари, шунингдек, илмий-назарий далилларига таяниб изоҳлайди, миллий матбуотимизда адабий-бадиий танқид жараёнларини ёритилишидаги ёндашувлар, шакл ва усуллари илмий, назарий хулосаларини амалий мисол билан солиштириб таҳлил этади ва аслида қандай бўлиши кераклиги хусусида ўзининг фикрларини адабий асарлар ёки маълум далиллар билан исботлайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихидаги муаммоли ва методологикасарлар, шунингдек, мақолаларнинг аксарияти, таассуфки, даврнинг сиёсий-мафкуравий руҳи билан йўғрилгани, фирқавий қарор ва кўрсатмаларга нисбатан “лаббайгўйликка” асослангани боис ўз қадрини йўқотиб борди. Аксар муаллифларнинг маълум бир адабий

шахс ижодига ёки аниқ бир асарнинг поэтик таҳлилига бағишланган мақолалари нисбатан ўз қийматини сақлаб қолди. Ҳолбуки, адабиётга дахлдор адабий-назарий муаммоларни муҳокама қилган илмий-қийосий танқидлар адабий танқид жанрлари хилма-хиллигини таъминловчи омилдир. XX асрда кўплаб тақризлар ёзилди; воқелик-ижодкор-китобхон муносабатлари тадқид қилинди; муаммоли мақола, баҳс-мунозара, адабий суҳбат йўсинидаги мақолалар пайдо бўлди. Таъкидлаш жоизки, шоир ва ёзувчиларнинг қаламига мансуб адабий-танқидий мақолалар ҳам ўтган аср ўзбек адабий танқидчилиги тарихида муҳим бир саҳифа саналади.

Ҳозирги даврда адабий-танқидий мақолалардаги муаммолар ва улардаги ўзига хосликни ўрганиш ва энг асосийси адабий-танқидий мақола яратишда мезонларга амал қилиш, уни ҳаққоний ёзиш танқидчиларимиз зиммасидаги муҳим вазифалардандир.

Ушбу илмий масаланинг турли жиҳатлари ватанимиз ва хориж тадқиқотчилари томонидан қатор асарларида ўз ифодасини топган.

“Танқид, талқин, баҳолаш”⁵ китобида танқидчилик, хусусан, адабий танқидчилик хусусида аниқ, таҳлилий мулоҳазалар берилган. Олим ушбу китоб негизида адабий танқидчилик асл моҳияти, турли ноўрин қарашларнинг хато эканлигини илмий ва амалий исботлаган.

“Ижодни англаш бахти”⁶ асарида мунуққиднинг ижодий тажрибалари асосида юзага келган хулосалари ўз ифодасини топган. Адабий жараён, унга танқидчининг таъсири ва роли хусусида аниқ воқеалар мисолида қарашларини исботлаган.

“Журналистика ва публицистика”⁷ ўқув қўлланмасида муаллиф журналистика ва публицистиканинг ўзаро боғлиқлиги, узвийлиги борасидаги илмий мушоҳадаларини баён этган. Адабий танқидчиликни тадқиқ этиш

⁵ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006. – Б. 8.

⁶ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 18.

⁷ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. – Б. 15.

жараёнида аввало публицист сифатида мавзу кўламини ўрганишда мазкур кўлланма илмий-назарий асос вазифасини бажарган.

Шунингдек, Умарали Норматовнинг “Уфқларнинг чин ошиғи”⁸, Бойбўта Дўстқораевнинг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи”⁹, Аҳмаджон Мелибоевнинг “Қирқ бешинчи бекат”¹⁰, Саид Аҳмаднинг “Танланган асарлар”¹¹, Шодмон Отабекнинг “Мирзакалон Исмоилий сабоқлари”¹² ва Алишер Назарнинг “Холислик эҳтиёжи”¹³ сингари асарларда адабий танқидчилик, унинг ўзига хосликлари, ижодий тафовутлар, уларнинг илмий асоси, ижод “мактаби”даги жараёнларнинг методик тадбиқ қилиниши, мазкур манбаалар адабий танқидчилик мезонини белгилашда энг муҳим таянч воситаси эканлиги борасида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Тадқиқот мақсади. Мамлакатимиз матбуоти саҳифаларида чоп этилаётган материалларнинг мазмуни, турлари, жанрий хусусиятлари ва журналистлар маҳоратини тадқиқ этиш, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Театр” журналларида бериб борилаётган мазкур масалага доир материаллар таҳлил қилишнинг асосий мақсадини ташкил этади. Эътиборли томони тадқиқ этилаётган масаланинг ўрганишга муносиб ёки номуносиб жиҳатларини аниқлаш, танқид қилиш мезонини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- танқидчилик, хусусан, адабий танқидчилик моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- миллий матбуотимиз тарихи-тараққиётида танқидчиликнинг ўрнини аниқлаш;

⁸ Норматов У. Уфқларнинг чин ошиғи. – Т.: Yurist-media markazi, 2008. – Б. 32.

⁹ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 27.

¹⁰ Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – Б. 45.

¹¹ Саид Аҳмад. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 7.

¹² Шодмон Отабек. Мирзакалон Исмоилий сабоқлари. – Т.: Davr Press, 2010. – Б. 5.

¹³ Алишер Назар. Холислик эҳтиёжи. – Т.: Muharrir, 2013. – Б. 17.

- танқидчиликда маҳорат масалалари, яъни мавзу танлаш, ёритиш жиҳатларини тадқиқ этиш;
- глобаллашув шароитида танқидчининг ижтимоий позициясини белгиловчи омилларни таҳлил қилиш;
- танқидчиликнинг тил ва услуб имкониятларини тадқиқ этиш.
- муаллиф “мен”и танқидчилик тараққиёти асоси эканлигини илмий ишнинг туб негизи сифатида асослаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Илмий ишнинг объекти сифатида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Театр” журналларининг 2010-2012 йилларгача бўлган сонлари танланди. Ишнинг предмети эса ушбу нашрларда чоп этилган мавзуга алоқадор мақолалар, уларнинг мазмуни, шакл ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг методлари. Магистрлик диссертацияси таҳлил, контент, қиёсий таҳлил, синтез, тавсифлаш, умумлаштириш, кузатув ва бошқа илмий методлар асосида тайёрланган. Бундан ташқари, холислик, тарихийлик ва аниқлик каби илмий принципларга таянилган.

Ишнинг назарий ва методологик базаси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари бўйича қабул қилинган қонунлари, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг нутқ ва мақолалари, “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор-манавиятга, келажакка эътибор” китоблари, Оммавий ахборот воситалари, жумладан матбуотдаги мақола ва тадқиқотлар.

Ишнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги миллий адабий-бадний танқидчилик мактабини шакллантиришда матбуотнинг ўрнини кўрсатиб бериш, мазкур жараёнларни ёритишда қўлланилган ёндашувлар, талқинлар, муаллифлар “мен”ини ифода этилиши, матбуот материалларининг шакл ва усуллари ташкил этади. Танқидчилик хусусида сўз боғанда кўп ҳолларда қизғин мушоҳадалар салбий қарашлар асосида бошланиб, худди шундай якун топади. Бироқ, илмий ишнинг

янгилиги айти шу нуқтаи назарларни аксига қаратилган. Чунки, танқидчиликнинг туб моҳияти бирор бир асар, шахс, умуман танланган объектни ёмонлаш, камситиш, қора бўёқларда ифодалаш эмас. Балки, ҳам илмий, ҳам назарий, ҳам амалий қарашларнинг жамики мезонини бирлаштириб, таҳлил қилинаётган объектни ҳолис, бориша ютуғу-камчиликларини далиллар асосида тушунтирган ҳолда атрофлича ўқувчи эътиборига ҳавола этишдан иборат. Танқидчи ҳулоса қилмайди, аксинча китобхон ҳукмига, баҳосига тақдим этади. Танқидчининг бу борадаги мулоҳазалари ишнинг фақатгина ижобий ечимга эга бўлиши, танқидчи томонидан билдирилган фикрлар эртага самара бериши учун қаратилган. Қолаверса, ишнинг муҳим илмий жиҳатларидан бири танқидчиларнинг аудиториясини “ёшартириш”дан, ўз навбатида қилинажак чора-тадбирлар хусусида илмий тавсиялар беришдан иборат.

Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. 1) илмий ишнинг назарий аҳамияти шундаки, олинган натижа адабий-бадиий танқид тараққиётида матбуотнинг аҳамиятига доир назарий қарашларни туғдиради, матбуот адабий жараёнларнинг белгиловчи омилларидан бири эканлигига доир мавжуд илмий ҳолатларни бойитади; 2) ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, магистрлик тадқиқоти натижалари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида танқидчиликнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, адабий танқидчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёнида, айниқса, ёш танқидчилар сафини кенгайтириш, шунингдек, мазкур йўналишда илмий ва ўқув адабиётлар яратишда қўл келиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг тадқиқот натижалари “Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, шунингдек, “Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари” мавзуидаги I илмий-амалий семинар китобида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида, асосан, ўрганилаётган объектнинг қисқача мазмун-моҳияти, ишнинг долзарб жиҳатлари, илмий янгилиги, методологик базаси, тадқиқот методлари, мақсади, вазифалари, предмети, назарий, амалий аҳамияти сингари муҳим масалаларга жавоб изланган.

Биринчи бобда танқидчилик, хусусан адабий танқидчиликнинг тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, эволюцион жараёнларда қандай ўзгаришлар юзага келганлиги ва бугунги кунга кечаги куннинг таъсири қай даражада эканлиги тўғрисида фикр юритилади.

Иккинчи бобда адабий фаолиятнинг мустақил соҳаси бўлган танқидчиликнинг ривожлантирилиши натижасида таъсир даражаси ўрганилган ҳолда, бунинг самараси ўлароқ ҳар бир ижодкор ўзининг тажриба мактабини яратиши, танқидчилик мактабининг ўзига хос самарадорлик омиллари, муаллифлар ижодидаги тенденциялар, назарий, амалий фаолиятлари билан келгуси авлодларга амалий ёрдам бера олишлари хусусидаги кенг қамровли таҳлиллар мисолида соҳа тараққиётига таъсир этиши ифодаланган.

Учинчи бобда бевосита танланган объектда нашр этилган материалларни таҳлил қилиш орқали ундаги услубий жиҳатлар, ижодкорнинг мавзуга ёндашиш позицияси, ишнинг самарадорлиги борасидаги мулоҳазалардан ташкил топган. Бунда танқидчининг олдига қўйган вазифалари қандай қилиб ўз ечимига эга бўлиши, танқидчи услубни яратадими, ёхуд маълум ёндашувлар назарияси асосида услубдан шунчаки фойдаланадими, шу каби асосли саволларга ечим изланган. Ўз навбатида танқидий материалларга танқидий баҳо бериш орқали мавзу кўлами очиб берилган.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқот давомида олинган натижалар умумлаштирилган ва қўйилган илмий масала ечими бўйича тегишли тавсиялар берилган.

**1-БОБ. Адабий-бадий танқидчиликнинг тараққиёти ва матбуот
вазифалари**

1.1. Танқидчилик – адабий ва публицистик фаолиятнинг мустақил соҳаси

“Адабиёт – халқ мулки. Адабиётнинг ўлмаслигини таъминлашда:

- ғоявий-тарбиявий-маърифий ;
- эстетик завқ-шавқ бериш сингари омиллар муҳим аҳамиятга эга ¹⁴.

Адабиёт – инсон руҳияти, унинг ижодий олами, қарашлари асосини бирламчи ўринда тутса, публицистика инсон ва унинг таъсирида шаклланаётган жамият, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ижтимоий жиҳатдан муносабат билдиради.

“Публицистика бу – ҳаётни тавирлашнинг алоҳида бир йўли, усули, ижод туридир. У жамият ҳаётининг шу кундаги, айна замондаги бўлиб ўтган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларини акс эттириб оммага етказди, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ечилиши керак бўлган муаммоларни кўтариб чиқади, шу кун айна замонга хизмат қилади”¹⁵.

Публицистика давр билан ҳаманафасликда яшайди. Унда реал ҳаёт акс эттириладики, ўқувчи беихтиёр ўзи яшаб турган жамият ҳақида қайсидир маънода хулосаларга эга бўлади. Ўз навбатида, англаганларини идрок қила бошлайди. Айна пайтда жамият учун нима керак ёхуд керак эмаслигини ажратишига кўмак беради.

Адабиёт – инсон кўнглига озуқа берса, публицистика инсон онгига таъсир этади. Танқидчилик эса ҳар икки ҳолатнинг меъёрий йўналишда ҳаракатланишига туртки беради.

Адабиёт ва публицистика бир-бирини тўлдиради. Реаллик баъзан ўқувчининг жамиятга бўлган совуққонлигини оширса, ёки бадият унинг жамиятга бўлган ишончсизлигини кучайтирса, уларнинг бирлашуви айна бир мувозанат ҳосил қилажagini эътироф этиш мумкин. Адабий-бадий

¹⁴ Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.3.

¹⁵ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Универстет, 2008. – Б.112.

унсурлар публицистик асарларнинг таъсирчанлигини ошириш, ҳаётни жонли, қизиқарли тасвир этишда асос вазифасини бажаради.

Аммо, “Адабий-бадий публицистика ўзида ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирса-да, бунда у алоҳида адабий-бадий воситаларга таянади. Бадий публицистика ҳаётга бадий адабиёт нуқтайи назаридан ёндашади, ҳамда матбуот билан адабиёт ўртасида туради”¹⁶.

“Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, маънавий қарашлари ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келишида табиий ва ижтимоий омиллар муҳимдир”¹⁷.

Танқидчилик матбуотнинг вазифаларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда табиий ва ижтимоий омилларга таяниб адабий ва публицистик фаолиятда мустақил сўз айта олиши шарт. Яъники, “тасвир, таҳлил, таъсир”¹⁸ учлигини бирлаштирсагина, соҳа доирасида кутилганидек самарага эришиш мумкин. Бироқ, ҳар бир соҳа тараққиётида, албатта, ўзига хос тўсиқлар учрайди, аниқ мақсадни белгилашда баъзан хатоликларга йўл қўйилади. Гарчанд айрим қилинган хатоликлар инсониятнинг ихтиёрисиз юзага келсада, унинг йўқотишлари эртага улкан муаммоларни келтириб чиқариши сир эмас.

Шу боис ҳар бир тушунча ўз номи билан аталиши ва шунга муносиб жавобини бериши кераклигини унутмаслик шарт. Мазкур ҳолатлар аниқ фанлар, соҳалар тармоғида яқин йиллар мобайнида ўзининг яққол натижасини кўрсатадики, бунда содир бўлган хатоларни тўғрилаш имконияти туғилади.

Минг афсуски, ижтимоий йўналишда, хусусан, адабиёт соҳасидаги камчиликлар асрлар мобайнида сақланиб, унинг номақбул қусурлари йиллар давомида инсоният маънавиятини емирувчи “кушанда”га айланиб бораверади.

¹⁶ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Универстет, 2008. – Б.114.

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмаси қуч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 7.

¹⁸ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Универстет, 2008. – Б.28.

Аммо, ҳар бир жамиятнинг барқарор келажагини тасаввур этадиган, стратегик дунёқараши билан миллат тақдири учун қайғурадиган, эртанги кунни “кўра оладиган” шахслар борки, улар шубҳасиз бундай оғриқли нуқталарнинг “даво”сини албатта топади. Муҳими, айти шундай ҳолатларда муаммонинг аксини ҳеч бир истиҳоласиз таҳлил қиладиган журъатли жамият кишилари бўлсагина бас. Адабиёт майдонида теран мушоҳадалари, дадил мулоҳазалари, ўткир позицияси билан атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдира оладиган адабиёт фидоийлари етарли.

“Адабий танқид асарнинг ният ғояси қандай очилганлиги, амалга ошганлиги билан қизиқади. Танқиднинг бундай йўриғи бадиий адабиётнинг ўз “тилини билишга интилганлиги” билан исботланади Бошқача айтганда, танқидчи асари орқали ёзувчи нима демоқчи бўлганлигини ёритади”¹⁹.

Танқидчилик борасида мушоҳада юритганда, албатта, унинг босиб ўтган йўлига назар ташлаш ўринли. Матбуотнинг илк шакллари пайдо бўлган даврдан бошлаб асосан, оғзаки кўринишга эга бўлган танқидчилик, кейинчалик бадиий ва публицистик тус олиб ёзма асарларга айланди. Айниқса, жаҳидчилик адабиёти намоёндалари бу борада дадил қадам ташлаганлар. Мунавварқори Абдурашидхонов, Бехбудий, Садриддин Айний, Абдулла Авланий, Фитрат ва бошқалар мамлакат, миллат ривожини учун астойдил ҳаракат қилганлар. Лекин, жаҳидчилар фаолиятига жуда катта тўсиқлар ғов бўлган. Адабий танқидчилик эмас, ноўрин танқид бу даврда устуворлик қилган. Маърифатчилар асосан таълим, тарбия, илм масканларини кўпайтириш, саводхонликни ошириш, уларга имкониятлар яратиш борасида ҳукумат билан курашсалар, ҳукумат гумашталари эса (Муҳаммад Олим сингари) уларнинг ҳаракатларидан диний қусурлар, ўзликни англашга тўсиқ бўлаётган омилларни рўқач қилиб, мафкуравий айбловлар юклаш ишлари билан машғул бўлганлар.

¹⁹ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006. – Б. 8.

Аммо, жадинчилар танқидий рухдаги чиқишлардан воз кечмадилар, адабиёт учун курашдилар. “Айримлар мактабга олиб бориб муаллимдан илтимос қилади: “тезлик ила нақд ва насия ёзмокни ўргатиб берурсиз. Бундай оталар болаларнинг савдо дўкониди қанча мол нақдга, қанчаси насияга сотилганини дафтарга ёзиб қўя оладиган даражада “савод” чиқаришини иштади, холос”²⁰. Таълим-тарбия бош масалага айланган жадинчилар учун халқнинг бу қадар узоқни кўра олмасликлари ижодкорларга тинчлик бермайди. Уларни қайта-қайта ёзишга ундайди.

“Ойина”, “Турон”, “Хуршид” сингари жадин матбуотида мазкур масалалар доирасида мақолалар эълон қилинади. Бу даврда ўз навбатида шеърятга, бадиий адабиётга ҳам муносабат билдирилган. Бироқ, таълим

асосий муаммо сифатида ўрганилган. Чунки, ўзлигини англаган миллатгина саодатга эришади. Танқидчилик бу борада публицистик жиҳатдан самарали фаолиятда бўлган.

“Мирзакалон Исмоилий бадиий публицистика ва прозада баракали ижод қилди. Адабий танқидий мақолалар ёзди, бу борада янгиланишлар қилди”²¹.

Маълумки, ҳар қандай янгиланиш учун бир неча муҳим омиллар асос вазифасини ўтайди ва бу омилларсиз янги йўналиш юзага келмайди. Танқид тафаккурига хос янгиланиш, янгича таҳлил тамойилларининг пайдо бўла бошлаши ва шаклланишига хизмат қиладиган омиллар нималардан иборат, улар танқид тафаккурига қачон ва қай тарзда таъсир кўрсатади, деган саволларга турли даврларда турлича изоҳлар берилган. Хусусан, собиқ шўро замонида чоп этилган танқид тарихига оид бир тадқиқотда шундай ёзилган:

“Бадиий ва танқидий фикрнинг ўсишида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган уч омилни алоҳида қайд этиб кўрсатиш лозим. Булардан бири ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулклиги заминида ишлаб чиқарувчи

²⁰ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.:Ғафур Ғулом, 2009. – Б.38.

²¹ Шодмон Отабек. Мирзакалон Исмоилий сабоқлари. – Т.: Davr Press, 2010. – Б. 14.

кучларнинг равнақи туфайли эришилган меҳнаткаш халқнинг моддий фаровонлиги – иқтисодий фактор;

иккинчиси, кейинчалик ўз вазифасини умумхалқ социалистик давлатга топширган пролетар диктатураси – сиёсий фактор;

нихоят **учинчиси**, жаҳонда энг илғор революцион дунёқараш –эскича карашлар-идеологик фактор. Ана шу факторларсиз социалистик реализм адабиётининг мувафаққиятларини таъминлаш мумкин бўлмасди”²².

Кўчирмадан аён бўлиб тургандек, жимжимали, ғализ жумлаларда ифодаланган “уч фактор” – иқтисодий, сиёсий ва идеологик – мафкуравий омиллар танқид тафаккурининг шаклланишида асосий омиллар сифатида қайд этилган. Ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилган мазкур таърифда адабий танқиднинг на ўзига хос хусусиятлари, на танқид объектлари эътиборга олинган. Қайд этилган омиллар эса, аслида ижтимоий ўзгаришларга алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тақозо этган ягона омилнинг муайян йўналишигина, холос.

Адабиётшунослик ва адабий танқиднинг етакчи тенденцияларини, тадқиқ ва таҳлил кўламини асосан қуйидаги масалалар ташкил этади:

- адабиётшунослик ва адабий танқидда метод ва методология муаммолари. Тадқиқ ва таҳлил принципларининг муштарак ва ўзига хослиги масалалари;

- адабий меросни қайта баҳолаш масаласи;

- бадиий асарга янгича муносабат масаласи.

Ушбу масалаларнинг кейинги иккитасини, характер хусусиятидан келиб чиқиб, алоҳида бобларда ўрганиш зарурати мавжуд.

Ўтган аср 80–йилларининг иккинчи ярмида ижтимоий ҳаётда юз бера бошлаган ўзгаришлар, айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг адабий танқиднинг методологик тамойилларидан бири – концепцияни янгिलाш долзарб муаммога айланди. Жумладан, Наим Каримов “Қайта қуриш ва

²² Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.12.

адабий танқид” сарлавҳали мақоласида концепциянинг янгиланиши, яъни янгича “танқидий-эстетик тафаккурнинг шаклланиши” узоқ давом этадиган жараён эканлигини таъкидлайди. Чунки “Адабий танқиддаги қайта қуриш деганда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, танқидчиликда саёзликка, субъективлик ва ғаразгўйликка, хушомадгўйлик ва мадҳиябозликка, ёзувчининг ғоявий-бадний ниятини тушунмаслик ёки нотўғри талқин қилишга қарши кескин кураш олиб боришни англатади”²³.

Дарҳақиқат, таъкидланган бу муаммолар қисқа вақтда осонгина ҳал бўладиган масалалар эмас. Зеро, бу иллатлар сиёсат ўйини оқибатлари сифатида узоқ вақт сақланади. Наим Каримов тўғри таъкидлаганидек, концептуал янгиланишни, энг аввало, адабий танқидга бўлган салбий муносабатни ўзгартиришдан бошлаш керак. Чунки, мақолада қайд этилганидек, ўша пайтда кўплаб ижодкорларнинг адабий танқидга муносабати яхши эмас эди.

Шунингдек, бундай мақолаларнинг юзага келиши шунчаки тасодиф эмаслигини, улар ижодкорларимиз бошига оғир кунларни солгани ҳамда танқидга бўлган салбий муносабатни ҳам шакллантирганини куюниб ёзади: “Аслида ёзувчиларимизда адабий танқидга нисбатан салбий муносабат ана шундай фактлар таъсирида шаклланган. Ёзувчиларимизнинг дилини қон, тилини гунг қилган кишилар ҳам – ўшалар. Шунинг учун ҳам адабиётимиз ва маданиятимизга нисбатан кўнгилида тариқча ҳам ҳурмат бўлмаган, ғоявийлик, синфийлик ва партиявийлик ҳақидаги шиорлар билан ниқобланган кишилардан адабиётни ва ижодкорларни ҳимоя қилишимиз керак”²⁴.

Наим Каримов мақоласида умумий мулоҳазаларга таяниб танқид концепциясини янгилаш ҳақида фикр юритган бўлса, Асқарали Шарапов “Танқидий мушоҳада юритиш ва холислик” сарлавҳали мақоласида конкрет таҳлил орқали танқидчиликдаги баъзи нуқсонлар:

²³ Каримов Н. Қайта қуриш ва адабий танқид // Ўзбекистон адабиёти ва санати. – 2011. – 27 май. – Б. 3.

²⁴ Ўша манба. – Б.3.

- танқид этикасига риоя қилмаслик;
- холислик ва объективликнинг етишмаслиги;

- “мен биламан, сен билмайсан” – қабилидаги менсимаслик иллатларини Очил Тоғаев билан Умарали Норматовнинг Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри устидаги баҳслари, шунингдек, А.Холлиевнинг Аҳмад Аъзам, Б.Акрамовнинг О.Шарафиддинов карашларига муносабатлари мисолида кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга, танқидда ҳиссий таҳлил билан рационал таҳлилнинг уйғунлигига эришиш самарали натижалар бериши мумкинлигини “Аёл” шеъри таҳлили орқали кўрсатишга ҳаракат қилади.

Адабий танқид концепциясининг янгилалиши кўплаб ғоят муҳим масалаларнинг ҳал этилиши билан характерлидир. Жумладан, шўро даврида ҳукм сурган концепциянинг асл моҳиятини англаб олиш, унинг асосий жиҳатларини тўғри тафтиш қилиш, қолаверса, адабиётнинг, бадиий асар концепциясининг янгилалиши зарурлиги, адабий танқиднинг эски методологиядан фарқли янги методологик асосини яратиш ва ҳоказо. Бу муаммолар 90-йиллардаёқ метод ва методология масалаларига бағишланган аксарият мақолаларда ўз ифодасини топа бошлади. Жумладан, адабиётшунос ва олим Хуршид Дўстмуҳаммад “Концепцияни янгилаш учун...” мақоласида бу ишни аввало “...ҳаётни бадиий идрок этиш борасидаги шаклланган қадриятларимизни очик-ойдин тафтиш қилишдан, ёзувчилармиз концепцияларини ўрганишдан бошлаш керак”, деган талабдан келиб чиқиб, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Обид кетмон”, Ойбекнинг “Қутлуг қон” асарларидаги етакчи концепцияларни аниқлашга ҳаракат қилди. Танқидчи таҳлиллар асосида “Ўткан кунлар” романининг бош концепциясини инсоний муносабатлар тасвири ташкил этади, деган хулосани беради. “Обид кетмон” романида эса, кўпроқ ижтимоий муносабатларни тасвирлаш етакчилик қилишини таъкидлайди.

“Ижтимоий ҳаёт тарихи, сиёсий қарашлар зиддияти ҳақида гап борганда синфий тушунчалар, синфий қадриятлар ҳал қилувчи омил

хисобланади”. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг фикрича, шўро даври адабиётининг концепциясини, асосан, ижтимоий муносабатлар тасвири орқали юзага келадиган синфийлик ва партиявийликка таянган ғоя ва мафкура ташкил этади. Танқидчининг бу фикрларига қўшилган ҳолда, унинг “Қутлуғ қон” романи қисқа таҳлилидан чиқарган барча хулосаларига (хусусан, оқ-қора рангларнинг беҳад қуюқлаштириб тасвирлангани ҳақидаги) тўла қўшилиш қийин. Хўш, Хуршид Дўстмуҳаммад назарда тутган шўро даври адабиёти, хусусан, ўша даврда ижод қилган ёзувчиларнинг концепцияларини қай тарзда тафтиш қилган, баҳолаган маъқул? Уларнинг қайси жиҳатларидан воз кечиб, қайси жиҳатларини адабий жараёнга хизмат қилдириш лозим? Айни шу саволлар 90-йиллар бошидаги танқидчилик олдида долзарб бўлиб турганди.

Истиқлолнинг илк йилларида (1993) Президент Ислам Каримовнинг бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашуви бўлди. Учрашувда биринчи марта истиқлол даври ўзбек адабиётининг методологик асосини демократик тамойилларга асосланган, умуминсоний ва миллий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган мустақиллик мафкураси ташкил этиши лозимлиги ҳақида фикрлар айтилди. Яратилажак мафкура қандай бўлиши лозим, деган масала ҳам қизғин муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида ташкил этган “Истиқлол ва адабиёт” (1993 йил, 6 август сони) мавзусидаги давра суҳбатида характерли фикрлар ўртага ташланди.

Суҳбатда иштирок этган О.Ёқубов, А.Орипов, О.Шарафиддинов, Т.Малик, Т.Қаҳҳор ва Х.Дўстмуҳаммад яратилажак мафкуранинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Мустақиллик мафкураси коммунистик мафкурадан батамом фарқ қиладиган, халқимизнинг азалий орзулари, турмуш тарзи урф-одатлари, анъаналари билан чамбарчас боғланган миллий мафкура бўлиши лозимлиги таъкидланди. Жумладан, О.Ёқубов мустақиллик даври ижодкорининг асосий вазифаларидан бири

“миллатимиз учун, она юртимиз учун, фарзандларимиз бахт-саодати учун бутун иқтидорини бағишлашдан иборат бўлмоғи керак”, деб ҳисобласа, А.Орипов “мафкура” сўзининг замирида маълум фикр ётишини ва адабиётдаги мафкурани ифодаладиган мазкур фикр соғлом бўлиши лозимлигини таъкидлади.

О.Шарафиддинов ва Т.Малик адабиётнинг вазифаси ҳақида сўз юритиб, адабиёт мустақилликни мустаҳкамлаш, мустақиллик мафкурасини яратиш йўлида миллат онгини тарбиялаши, унинг маънавий дунёсини янгилаш йўлида хизмат қилиши зарур, деган фикрни ўртага ташлашди. Т.Қаҳҳор аслида адабиётдаги мафкура миллий замин билан боғлиқлигини энг қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам миллат ва давлат, ватан тушунчалари зикр этилгани ҳақида гапириб, “Бугунги адабиёт ўша эски тамал тошлар устида турар экан, демакки, бугунги миллий мафкура ҳам боболаримиз қурган давлатлардаги мафкура тажрибаларига таянмоғи табиийдир”, деган хулосага келади. Т. Қаҳҳор диққатни яна бир муҳим масалага қаратади. Гап шундаки, ўша йилларда “Биз мустақил бўлдик, энди яратилажак адабиётимиз ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши керак”, деган қараш ҳам тарғиб қилина бошлаган эди. Жумладан, Қозоқбой Қашқирлининг “Таҳлил машаққатлари”²⁵ сарлавҳали мақоласидаги Ш.Холмирзаевнинг “Адабиёт ўладими?”²⁶ мақоласига муносабат билдириб ёзган қуйидаги фикрлари характерлидир: “Мақолада ҳар қандай, ҳатто энг олийжаноб мафкура ҳам моҳият эътибори билан адабиётга нисбатан зўрлик эканлиги ғоявий асосда жуда ишонарли кўрсатилган. Зеро, мафкурага асосланган тузум, жамият шахс эркига, ижод эркинлигига дахл қилмаслиги мумкин эмас”. Т.Қаҳҳор шундай мазмундаги фикрларга муносабат билдириб, адабиёт учун мафкура зарурий шартлардан бири эканлигини мантиқан шундай далиллашга уринади: “Чунки, аввал таъкидлаганимиздек, давлат ва мафкура жисму жондир, адабиёт, тарих,

²⁵ Алишер Назар. Холислик эҳтиёжи. – Т.: Muharrir, 2013. – Б. 118.

²⁶ Ўша манба. - Б. 78.

маданият унинг ҳаётида руҳ берувчи бир қайноқ булоқдир. Давлат, мафкура, адабиёт бир бўлгани учун ҳам қаҳрамон оталаримиздан Қултегин тош китобидаги “Эй, турк элим, бошингдаги осмон босиб тушмаган бўлса, остингдаги ер ёрилмаган бўлса, халқингни ким қул қилди?”²⁷ деган мазмундаги сўзлар битилган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий “Турк сўзлари девони”ни ёзади: “Араблар босқинидан кейин ёзуви йўқотилган, тили ўлимга маҳкум қилинган Туронда яшаган боболаримизнинг турк сўзлари, тарихлари, ота сўзларимиз, қўшиқларимиз сақланиб қолди”²⁸. Бу ҳам мафкурадир, адабиётнинг айна миллий сиёсат билан боғлиқ эканидир. Чунки адабиёт миллатнинг яшаши учун, сақланиши учун хизмат қилади.

Миллий мафкурада умуминсоний қадриятлар масаласи жуда муҳим ўрин тутди. Чунки миллий мафкура, миллийлик масалалари ғоят нозик тушунчалардир. Бунда “миллийлик” тушунчаси билан “миллий маҳдудлик” тушунчасини бир-биридан фарқлаш лозим бўлади. Юқорида тилга олинган давра суҳбатида Хуршид Дўстмуҳаммад масаланинг шу жиҳатига диққатни қаратиб, адабиётимиз фақат миллий анъаналар асосидагина ривожланиши мумкин эмас, дейди. Адабиётнинг ҳар томонлама ривож топиши, юксак ютуқларга эришиши учун миллийлик билан бирга умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган жаҳон адабиётидаги турли оқим ва йўналишларда битилган асарлар, хорижлик машҳур адиблар тажрибасини ўзлаштириши зарур ва улардан адабиётимизда фойдаланиш лозим. “Миллийлик ўз қобиғига ўралган, “бобомдан қолгани кифоя, ўзим ҳеч нарса орттирмайман” қабилида иш тутадиган тушунча эмас. Ҳозирги ўзбек бадиий тафаккури тўқимасига сингиб кетадиган, дунёни тўқисроқ, янгироқ идрок этишга ёрдам берадиган нимаики йўсин ва услублар бор экан, улар ўзбек миллий адабиётига ёт бўлмаслиги керак”,²⁹ дейди Х.Дўстмуҳаммад.

Шу боис, мустақилликнинг дастлабки пайтларидаёқ адабиёт аввал

²⁷ Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.31.

²⁸ Маҳмуд Қошғарий. Турк сўзлари девони. Т.:Ўзбекистон, 2004. – Б. 89.

²⁹ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz soʻz, 2011. – Б. 28.

қандай эди-ю, энди янги типдаги адабиёт қандай бўлиши лозим, деган масала кун тартибининг асосий муамосига айланди. Бунда асосий эътибор адабиётнинг ижтимоийлиги, мафкура билан муносабати, оммавийлиги ва тарбиявийлиги, бадиий-эстетик тамойиллари масаласига қаратилди. Хуллас, юқоридаги кузатишлардан шундай тўхтамга келиш мумкин: истиқлол даври танқидчилиги ўзининг методологик асосларини тубдан фарқ қилувчи тамойиллар асосида янгилай бошлади. Бу янгиланиш, энг аввало, танқидчи дунёқараши ва илмий концепциясидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлди. “Бу давр танқидчилигида методологияга фақат илмий билиш методлари ёки методлар назарияси ҳақидаги таълимот деб эмас, балки, энг аввало, адабий жараёнда кечаётган етакчи тенденцияларни тезкорлик билан талқин этиб, илмий муаммо сифатида адабиёт илми олдида қўядиган ва шу тариқа илмий йўналишларни тўғри ечим сари йўналтирадиган яхлит тизим, деб билиш етакчилик қилмоқда. Бу жараёнда диалектик ёндашувдан ташқари гнесологик, онтологик, аксиологик ва синергетик ёндашувлар ҳам амал қила бошлаганлигини кузатиш мумкин”³⁰.

Бадиий асарни тайёр назарий қолиплар воситада эмас, балки матннинг моҳиятидан келиб чиқиб талқин этиш устувор йўналишга айланиб бормоқда. Бу хил янгиланиш жараёнида нафақат ташқи омиллар, балки, энг аввало, ички омил – мунаққид “мен”и ҳал қилувчи аҳамият касб этишига эърибор қаратилаётир.

1.2. Матбуотда танқидчилик унсурларининг акс этиши

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ҳар бир жамиятнинг ҳаётий жараёнларини акс эттирувчи куч сифатида фаолият юритади. Ушбу тизим таркибидаги воситаларнинг ўзига хос таъсир функцияси мавжуд. Ўз

³⁰ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Фафур Ғулом, 2009. – Б. 57.

навбатида матбуотнинг мазкур ОАВлар тизимида энг қадимий ва етакчилиги, йўлбошловчи вазифасини бажарганлиги бу ҳаёт ҳақиқатидир.

Аммо, унинг дастлабки вазифасига аҳамият берадига бўлсак, унда асосан хабардор этиш бирламчи эканлигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, бошқарув жараёнидаги сиёсий тизимларнинг бир-бири билан рақобатбардошлиги ҳам айна жараёнларга ўз таъсирини кўрсатган.

“Маънавий-маърифий тарбия ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти каттадир”³¹.

Матбуот ривожига назар ташласак, дастлабки босқичларда унинг шакллари, ривожланиш тадрижи парча-парча қоғозлар кўринишида, яъники, одамлар нималарнидир маълум қилмоқчи бўлсалар, асосан аҳоли гавжум тўпланадиган жойга ўз хабарларини оғзаки ва ёзма шаклларда ифода этганлар.

Кейинчалик ушбу тарқоқ информациялар маълум ном остида матбуотда нашр этилган. Фикримиз исботи сифатида Турди Фароғийнинг "Тор кўнгилли беклар ман-ман деманг кенглик қилинг..."³² матлаъси билан бошланадиган шеърини сатрларини ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Диққат билан тарихий наъмуналарни кўздан кечирар эканмиз ундаги жумлалар ҳаётий ҳақиқатнинг яққол ифодаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз, давр руҳиятини акс эттириб турганлигини англаймиз. Аммо, яна бир кескин вазият сифатида бу каби фидоий ижод наъмуналарига акс жавоб, салбий муносабат бўлганлиги ҳам ўтмишнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бироқ, энг катта ютуқ сифатида улар ўзлари истамаган ҳолатларида адабиёт майдонига кириб келганликларини ва ўзларининг ички интимлари асосида жамият тараққиёти

³¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 3.

³² Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.68.

учун зарур бўлган танқидчилик тушунчасининг юзага келишига туртки берганликларини айтмаслик мумкин эмас.

Танқидчилик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Кимдир танқидчилик жанрлар сирасига киради дея эътироф этса, кимдир танқидчилик адабий фаолиятнинг мустақил соҳаси эканлигини қатъий таъкидлайди. Шу маънода танқидчилик хусусида ҳар икки қарашга муносабат билдирадиган бўлсак, буни илмий назариясига мурожаат қилишимизга тўғри келади.

Танқидчилик кенг қамровли тушунча. “Танқидчилик асосида турли соҳалардаги кемтик жиҳатлар тафтиш қилиниши, ундаги оксоқликлар бартараф этилиши, ҳеч бўлмаганда, маълум бир бурилиш ясашига хизмат қилишига асос бўлиши керак”³³.

Жанр сифатида талқин этадиган бўлсак, унинг мазмун доираси торайиши мумкин. Танқидчилик жанр қамровига сиға олмайди. Чунки унинг таркибида ўрганилаётган мавзулар аксинча жанрлар таркибини ўзига бўйсундиради.

Шу боис унинг талқини сифатида адабий фаолиятнинг мустақил соҳаси эканлиги мақсадга мувофиқ. Ушбу назарий фикрлар албатта, танқидчиликнинг амалий мисолларида ўз исботини топади.

Шунингдек, танқидчиликнинг соҳа сифатида ўрганилаётганлиги ҳам бевосита жамиятга кераклигидан далолат. Аммо, шуни фарқлаш керакки, бунинг тараққиёти асосан адабий танқидчиликда ўз равнақига эга бўлиб бормоқда. Сабаби, танқидчилик бошқа тизим таркибида шунчаки, бир томонлашма қараш таркибида, ҳисобот шаклини намоён этса, адабиётда ушбу "дарё"нинг ўзанини ўзгартиришга қодир даражада эканлиги билан аҳамиятли. Бунинг туб омили сифатида биз авваллари таҳлил қилган абадий изоҳ: адабиётда йўл қўйилган камчиликлар вақтида тузатилмаса, унинг оғриқлари асрлар силсиласида ҳам ҳеч бир якунга эга бўлмайди. Мавзу

³³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 267.

нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, адабий танқидчиликнинг матбуот нашрларидаги талқини жамият эҳтиёжларини қониқтирса, ўйланманки, унинг таъсири камаяди. Демакки, бугунги кунгача мазкур мавзуда бахс-мунозаралар давом этаётган экан, унинг ечилмаган, муҳокамага, эътиборга муҳтож жихатлари хануз етарли. Бундан кейин ҳам худди шундай эҳтиёж давомийлиги тугамайди. Сабаби, жамият янгиланаверади, жамиятдаги ҳар бир инсоннинг фикрий қарашлари ўзига хос ва турлича эканлигидан бу мавзу бардавом, янгича шаклда намоён бўлаверади.

“Бугунги ижодкорларимиз бутун дунё тан берган мумтоз адиблар – Шекспир, Толстой, Чехов, Достоевский, Островский, Брехт асарларидан унумли фойдаланиб, буюк мутаффақирларимиз Ал Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Ал Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Бобур, Аҳмад Яссавийлар ҳақида асарлар яратишса яхши бўлар эди”³⁴.

“Театр” журнали ўзига хос йўналиши билан ажралиб туради. Журналда муаллифлар томонидан билдирилаётган фикрлар дадил, ўзига ишонган тарзда ифодаланади. Мулоҳазалар ўринли ва асосли. Муаллиф нима учун бундай мавзуга қўл урган-у нима учун бундай изохлар, хулосалар ясаётганлигини тушунтиради.

“Театр” жасорат билан ҳаракат қилмоқда. Танқидчилик мезонларини ёдга оладиган бўлсак, ундаги асосий мақсад танқидни ошкора, одилona тақдим этишдан иборат. Аммо, ошкоралик мезоналарини кўпчилик матбуот нашрлари намоён эта олмайди. Шу боис мазкур нашр агар мумкин бўлса, сўз танлаш ва сўзни ўз ўрнида ишлатиш юзасидан ўзига хос жасорат кўрсата олган десак, муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, ушбу журналда билдирилган мулоҳазалар стратегик аҳамиятга эга. Муҳими, ёндашилган мавзу энг аввало:

- жамиятнинг оғриқли нуқталарини топа олганлиги билан долзарб;
- ўрганилаётган объект кенг қамровли сабаблари тушунтирилади;

³⁴ Раҳимов. А. Театр ва замон // Театр. 2011. 3-сон. – Б.4.

- очик, ошкора исботлар келтирилганлиги билан муҳим;
- ўз ўрнида ҳам ютуқлар, ҳам камчиликлар ҳаётий, ишончли, муболағасиз келтирилади;
- асосан тижорат мақсадларига йўналтирилган бўлса-да журнал ўзининг позициясини аниқ белгилаб олган ва аудиторияни шунинг баробарида ушлаб туради;
- муҳими журналхоннинг қизиқишларини турли методлар нуқтайи назаридан таҳлил этган ҳолда, шунга монанд мавзулар кўламини топа олган.

Ўз навбатида адабий танқид инсониятнинг тафаккур кенгликларини гидрокий мулоҳазага чорлаши билан биргаликда, унинг янги тафаккур майдонини ва унда қад ростлаган фикрлар уммонининг яратилишига туртки беради.

“Бугун “яхши асарлар йўқ”, “яхши асарлар яратиш учун катта маблағ керак” дейиш билан чегараланиб қолиш, тўғри эмас.

Миллий театр ва кино санъати театршунос ва киношунос олимларимиз фикрига муҳтож бўлиб турибди. Саҳна юзини кўраётган янги асарлар муҳбир ёки кўрсатувни олиб борувчининг эмас, ҳақиқий мутахассис фикрига муҳтож”³⁵.

Журналда бу каби уйғоқликка чорловчи қарашлар кўп. Муҳими журналнинг ютуғи мазкур фикрларни дадил ва теран мушоҳада билан бера олишида. Шу боис журнал материалларида санъатни тушунишга ундовчи мулоҳазаларга кенг ўрин берилади.

Санъат ҳамиша бизнинг воқеликни қабул қилишимизда аниқ ҳолатларда – омил сифатида намоён бўлади. Ҳозирги замон санъати янада кўпроқ даражада китобхон ёхуд томошабиннинг ўзига ижодий жараёнда иштирок этишига имкон беради. Санъаткор устоз бўлган, одамларнинг фикр-ўйларига раҳнамолик қилган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Санъаткорлар, ёзувчилар, адиблар ҳам халқ қаторида олдинга одимламоқда. Унинг

³⁵ Раҳимов А. Театр ва замон // Театр. 2011. 3-сон. – Б.4.

кадамлари ҳам синов майдонида. Улар ҳам жамият тўсиқларини эл билан басма-бас босиб ўтади. Фарқли томони шундаки, улар миллатдан ўзига кўра олиш қобилияти билан ажралиб турадилар холос.

“Ўзбек театр танқидчилиги савиясини кўтариш лозим. Саҳна юзини кўраётган ҳар қандай ўртамиёна асар халқимизнинг, айниқса ёшларимизнинг дидини бузиб, маънавий соғлом ўсишига зарар келтирмай қўймайди. Чунки, саҳна асарининг ўртамиёна бўлиши бир қанча ижодкорларнинг ўртамиёна ижод қилишига сабаб бўлади.

Тўғри танқид ҳам бадиий жиҳатдан юксак санъат асари бўлмоғи керак. Буюк рус танқидчиси Н. Добролюбов айтганидек, “Ҳақиқатни кўрсатиб бериш танқиднинг фазилати эмас, балки зарур шarti”³⁶. Бу принцип ўзбек танқидчилари учун бош мезон бўлиши зурур деб ўйлайман. Ёлғончилик, кўзбўямачилик миллий саҳнамиз ҳаётига айниқса, режиссёрлик ва актёрлик санъатига салбий таъсир кўрсатмай қўймайди”³⁷.

Ҳар қандай санъат асарининг фазилатлари учта хусусият билан белгиланади:

- “Асарнинг мазмуни билан: мазмун қанчалик салмоқли бўлса, яъни одамлар ҳаёти учун муҳим бўлса, асар шунча юксак бўлади;
- Ташқи гўзаллик билан: бунга санъат жинсига мос келадиган маҳорат орқали эришилади. Масалан, драматик санъатда маҳорат деганимиз куйидагилардан таркиб топади: шахслар характериға мос келадиган аниқ тил, табиий ва айни чоғда таъсирчан тугун, саҳналарни тўғри тақсимлаш, тасвирланаётган ҳамма нарсадан меъёр туйғусини тўғри намоён қилиш;
- Самимият билан, яъни муаллиф тасвирлаётган нарсасини ўзи жонли тарзда ҳис қила билиши билан. Бу шартларсиз ҳар қандай санъат асарини қабул қилаётган одамға муаллиф туйғусини юктириш амримолдир. Агар муаллиф тасвирлаётган нарсасини обдон ҳис қилмаган экан, уни қабул қилаётган одамға муаллиф туйғуси юкмайди, у ҳеч нарсани ҳис

³⁶ Тўлабоева Р. Учқур ҳаёл мевалари. // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 1-сон. – Б. 182.

³⁷ Раҳимов.А. Театр ва замон // Театр. 201. 3-сон. – Б. 4.

килолмайди. Ундай асар сира ҳам санъат асарлари наъмуналари каторидан ўрин ола билмайди”³⁸.

Демак, санъат моҳиятини англашда ундаги методик принциплар ҳам асосий вазифани бажаради. Бироқ, шундай қарашлар ҳам мавжудки, муваффақиятга эришишда назариялар ҳамма вақт ҳам ўзини оқлай олмайди. Аммо, биз мурожаат қилаётган жамики омиллар айтишда шу назарий методлар таркибида шакллланган. Ўз навбатида, назарий ва амалий жараён биргаликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Журналда кўтарилаётган ҳар битта мавзуда айтишда шундай долзарб вазифалар хусусида илмий ёндошувлар ҳам бериб борилади. Бу эса журнал савиясининг янада бойишига, унинг мазмун кўламини юксалишида катта роль ўйнайди.

Буюк рус адиби Лев Толстой айтганидек “Санъаткорликка ўқитиб бўлмайди. Ҳақиқий санъаткор бўлиб етишишга замин яратиш лозим. Буни, инсоннинг болалигидан бошлаш керак. Кейинчалик истеъдод санъатда ўз йўлини топиб олади”³⁹.

Санъат, санъаткорлик хусусида сўз юритилар экан, ушбу тушунчани фақат сахна учун қўллаш нисбий эканлигини унутмаслигимиз керак. Санъат сўзи адабиётда, унинг турли йўналишларида, ҳаётнинг қайсики жабҳаларида ва ўз навбатида санъатнинг юзага чиқариш босқичида ҳам ифодасини топади, истеъдод баҳоланади. Санъаткорга баҳо берамиз, унинг ортидаги менатга эътибор қаратмаймиз аслида. Шу боис санъат кашфиётига ҳисса қўшувчи режиссура борасида баъзи мулоҳазаларни билдирсак.

Зеро, бу борада хизмат қилаётган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғарамаси” ташкилотчилари, хизматчилари ишига ижобий баҳо

³⁸ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 51.

³⁹ Зокиров М. Ижодий назар // Театр. 2010. ???– – Б. 6.

бермоқ керак. Бу ташкилотнинг бугунги ёш авлодни тўғри йўлга бошлаб, ёшларимизнинг ижодга бўлган қизиқишини, меҳрини ошириб бораётгани ва Республикамиз миқёсида турли фестивал-конкурслар, кўргазмалар, учрашувлар ўтказишлари мақтовга сазовар.

“Театр” журналида мазкур ташкилот фаолияти кенг ёритилиши баробарида, унинг журналхонга ва жамиятга таъсири хусусида ҳам кенг мулоҳазалар бериб борилади. Ўз навбатида санъат ривожидида муҳим аҳамият касб этган режиссура йўналиши ҳақида ҳам баҳс-мунозарали мақоллар эълон қилинади. Мақсад, жараёнини камситиш эмас, режиссиёрларнинг хатоликларини баён этган ҳолда, соҳа тараққиётига эришиш. Илмий иш доирасида айтиш шунинг жихатларга эътибор бериш ўринли деб ўйлайман. Сабаби, диссертациянинг объекти бўлган журнал ва ундаги ҳар бир масала, айниқса, танқидий ёндашув, унинг ҳолис баҳоланиш мезонлари – ишнинг туб моҳиятини ташкил этади. Биз асосан, адабий мақолалар таҳлилига назар ташлаётган бўлсак, эндиликда, адабиётни халққа етказуви, унинг “акс”ини намоён қилувчи режиссёрларимиз ҳам бу борада ҳақли равишда жавобгар эканликларини тан олишимиз керак.

“Миллий режиссурамиз анча заифлашиб кетди. Бунинг сабаблари кўп. Чунки, режиссура камдан-кам учрайдиган қобилият. Ҳеч кимга сир эмас, театрда ёки кинода режиссуранинг ўртамиёна бўлиши бир қанча ижодкорларнинг (драматург, рассом, актёр, турли касб эгаларининг) ижодини чипакка чиқариб юбориши мумкин. Афсуски, бу касбга бўлган эътибор ва талаб анча сусайиб кетди. Мақсад – ўзбек режиссураси мактабини тиклаш”⁴⁰.

Бирор мақсад йўлида таҳсил кўриш ҳали ҳақиқий таълим бўлмайди. Камолот йўлидаги ҳар қандай интилиш сингари ҳақиқий таълим ўз ўзича ҳам

⁴⁰ Зокиров М. Ижодий назар // Театр. 2010. 4-сон. – Б. 6.

теран мазмунга эга. “Таълим”га, яъни маънавий ва руҳий баркамолликка интилиш – аллақандай маҳдуд бир аъмолга олиб борадиган изтиробли йўл эмас, балки онгимизнинг кенгайишини мустаҳкамлайдиган қувончли ходисадир. Шунингдек, у бизнинг ҳаётий имкониятларимизни ҳам мустаҳкалайди. Шу ваздан чинакам таълим ҳам чинакам маънавий маданият каби бир вақтнинг ўзида ҳам истакларнинг рўёбга чиқиши, ҳам янги интилишларга турткидир. Бу интилишлар ҳамма жойда муайян мақсадга эга бўлади. Шу билан баробар ҳеч қаерда эришилган маррада тўхтаб қолмайди. У чексизлик сари саёҳатдир, коинот сари уйғунликдир, вақтдан ташқарида бўлиш иштиёқидир. Таълимнинг мақсади айрим қобилиятлар ва самараларни ривожлантириш эмас, балки ҳаётимизга маъно бахш этишга кўмаклашишдир, ўтмишни идрок этишшу келажакка қарши олишга мардона тайёрланишга ёрдам беришдир.

Ана шундай таълимий йўл адабий танқидчиликнинг асосий босиб ўтадиган манзили ҳисобланади. Аммо, шуниси ачинарлики, ҳеч бир адабиётшунос, танқидчи қайсики адабиётнинг буткул туб моҳиятига ета олмайди. Унинг моҳият кенгликларини сарҳадсиз етказа олиш қудратига эга бўла олмайди. Сабаби, у барибир ўзи кўзлаган даврдан йироқда, ёхуд қайсики асрга мурожаат қилса, ёзувчининг қалб ва билим, илмий қарашларидан албатта, бир нафасда эмаслиги сезилади. Бунинг сабаби ҳам айни мана ўзликнинг бошқа-бошқалигидадир.

“Асарнинг қиммати, муаллиф ғоясидамас, унинг ўқувчига қай даражада таъсир ўтказишидадир”⁴¹.

Мутафаккир ёки адибнинг ижодининг мағзини чақиш – бу инсоннинг ўзлигини намоён этишдир, қалашиб ётган ўлик маълумотларга дахлдор бўлишдан эмас, балки, жонли онг ва руҳга ҳамнафас бўлишдан туғиладиган масрурлик туйғусидир. Биз учун имкон бор қадар кўпроқ ўқиш ва ўқиш муҳим бўлмаслиги керак, балки дурдона асарларни бемалол, эркин ва

⁴¹ Потебня А. Эстетика и поэтика. – М.: 1976. – С. 330.

Ўзимизга маъқул тарзда танлай олишимиз ҳамда бўш вақтларимизда бутун вужудимиз билан уларга берилиб, улардан ҳақиқатни идрок этишда инсон нақадар буюк кўламлар ва теранликка эришганини тасаввур қилиш муҳимдир. Ўқишдан мақсад ҳаётнинг жамики ранглари ва жилолари калбингда акс-садо бермоғига эришмоқ, инсоният юрагининг тепишига ҳамоҳанг бўлмоқдир. Зотан, мутолаа, танишув ва муҳаббат ҳар кимса учун табиий бўлмоғи лозим.

“...Бугун тилларда дoston бўлиб юрган ва ҳамманинг диққат-эътиборини жалб қилаётган нарсa эртага ҳамманинг назаридан қолмоғи мумкин, бугун янги бўлиб кўринган ва ҳамманинг қизиқишини туғдирган асар индинга бундай бўлмай қолиши мумкин. Аммо, аллақачон бир неча аср умр кўриб кўйган ва ҳали ҳам унут бўлмаган, вақт қаърига сингиб йўқ бўлиб кетмаган асарга берилган баҳо, афтидан, бизнинг давримизда ҳам айтарлик ўзгаришларга учрамаса керак. Бунинг хусусида албатта, адабиёт мунаққидлари мулоҳаза юритмоқлари ўринлидир.....”⁴².

Шу ўринда мунаққид шахсига нисбатан қуйидаги талабларни келтириб ўтсак:

- мунаққид тарих хусусида етарлича маълумотга эга бўлиши;
- бугуннинг нафасини ҳис қилиши;
- келажакни тасаввур эта олиши;
- айти шуларни умумлаштириб, янги ғоялар тизимини шакллантириши шарт.

Ҳар бир даврнинг адабиёти ва унга баҳо берувчи танқидчилари бўлади. Улар жамият ҳаётидаги жамики паст-баландликларини таҳлил этиб, ўз муносабатларини билдирадilar. Айти шу мушоҳадалар маълум хулосага эга бўлишлари, хулоса яшашларининг оби-ҳавосини белгилайдилар.

“Биз – ёзувчилар тилга қараммиз. Тил-бизнинг қуролимиз”⁴³.

⁴² Ҳессе Х. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 9.

⁴³ Ўша манба. – Б. 33.

Мунаққид услуби, билдирилаётган мулоҳазаларида қай унсурлардан фойдалана олганлиги, ўз навбатида, жараёнда юзага келадиган янгиликлар хусусида:

- тезкор;
- жанрлар тенденциясидан унумли фойдаланиб;
- мавзунинг ёритилиш кўламини баҳолаган ҳолда фаолиятини такомиллаштириши зарур.

“Диккенс ўзига хос соғлом истеъдод эгаси эди, аммо ундан бор-йўғи икки юз миля нарида Проспер Меримедек баркамол санъаткор “Кармен” билан “Иль Венера”сини, Тургенов “Тутун” ва “Баҳор” тошқинларини, океан ортида эса Натаниель Готорн “Қизил ҳарф”ини ва Эдгар По ўзининг “Қўрқинчли ҳикоялар”ини яратиб турган ” бир вақтда, унинг тўғрисида ёзувчи сифатида гапириш алланечук ғалати туюлади...”⁴⁴.

Жон Голсуорси. “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида” мақоласида ҳеч бир адибга хушомад қилмайди. Унинг нуқсонларини аёвсиз танқид этади. Аммо, мазкур қарашлар эндигина адабиётга кириб келган ва жаҳон миқёсида забардаст адабиётшуносларга тенг равишда берилган таъриф ҳисобланади. Ёзувчи шу боис ҳам кейинчалик ўзининг ижодий методи билан мазкур қарашлар нотўғри эканлигини исботлаб берди. Демак, танқидчининг шахсий худбинлиги унинг холис ёндашувига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу танқидчининг жуда катта нуқсонидир.

“Толстойни яхлит олиб қарасак, унинг кишини ҳаяжонга соладиган бир жумбоқ эканини кўрамиз. Битта одам шахсиятига санъаткор ва ислохотчи бирикиб кетган яна бошқа бирор одамни топиш амримаҳол. Толстой умрининг сўнгги йилларида насихатгўй – тарғиботчи бўлиб қолди, ҳатто тарғиботчилик бу даврда унинг шахсиятида санъаткорликдан устун кела бошлади. Масалан, “Анна Каранина”да санъаткор Толстой тарғиботчи Толстойнинг соясида қолиб кета бшлади. Ҳатто, “”Уруш ва тинчлик”дай

⁴⁴ Голсуорси Ж. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. - Т.: Маънавият, 2010. – Б. 37.

монументал асарнинг охирги қисмида ҳам баъзи жойларда Толстой насихатгўй тарзида қалам тебратади...”⁴⁵.

Буюклар ҳақида ҳам буюк муносабат билдириш мумкин экан. Ёзувчи нечоғлик ўзининг ички “мен”ини яширишга ҳаракат қилса-да, истайдми-йўқми унинг асарларида ўзлиги намоён бўлаверади. Фақат буни зийрак китобхон ва унинг сафдошларигина англаши мумкин. Жон Голсуорси Буюк ёзувчи Толстойнинг интим ҳолатини асосан асарлари асосида таҳлил этади. Гарчанд у бир жумбоқ бўлса-да унинг ҳам кемтикликлари мавжудилиги, яъни асарларида насихатгўйликка йўл қўйганлигини таъкидлайди.

Меъёрий қоидаларга мурожаат қиладиган бўлсак, ижодкор нимаики битмасин у фақатгина асарининг мақсадини намоён этиши, қаҳрамонларини ўз измига солмаслиги, мажбурий диалоглардан қочиши кераклигини унутмаслиги шарт. Хулоса китобхон ҳукмида қолиши ва шундагина турлича қарашлар шаклланишига замин ҳозирлаши мумкин. Толстой қайсидир нуқталарда мазкур қонуниятни бузганлигини Жон Голсуорси ўз қарашларида исботлашга уринади. Албатта, унинг фикрларини қабул қилиш ҳар бир китобхон, адабиётшуноснинг ўз ихтиёрида.

Санъат тевадигида, ҳатто роман санъати тевадигида ҳам ҳамиша иккита эстетик мактаб ўртасида кураш борган. Бир мактаб санъатдан ҳаётни очиб беришни ва танқид қилишни талаб қилади, иккинчи мактаб эса фақат ёқимли гапларни тўқиб чиқаришни талаб қилади. Аммо, кураш жараёнида қизиқишиб кетилганда иккала мактаб ҳам баъзан бир нарсани унутиб қўйишади. Яъни санъат асари танқидий ёки фош қилувчи бўладими ёхуд тўқиб чиқарилган гапларни бежаб, пардозлаб кўрсатувчи бўладими-бундан қатъи назар, унинг моҳияти, яъни уни санъат асарига айлантирадиган омил “ҳаётийлик” деб аталмиш сирли нарсадан иборат бўлади. Хўш, ҳаётийликнинг санъат олдига қўядиган шарт-шароити қанақа? Энг зарруларидан бири шуки, асарда унинг қисмлари билан яхлитлик ўртасида

⁴⁵ Голсуорси Ж. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 43.

муайян нисбат бўлмоғи керак. Шунингдек, асарда санъаткорнинг индивидуаллиги ҳам сезилиб турмоғи лозим. Фақат шу унсурларгина асарга оригиналлик бахш этади, унинг жонли чиқишига сабаб бўлади.

Ҳақиқий санъат асарлари ҳамиша гўзал ва ҳаётӣ бўлиб қолаверади. Танқидчи эса айни шу гўзаллик ортидаги ҳақиқӣ ҳаётни кўрсатади, унинг неқбин томонларига мурожаат қилади.

Шуниси қизиқки, адиб ўзи талқин қилаётган ижод наъмунасида ҳам ўзи сезмаган ҳолда танқидчиликнинг баъзи жиҳатларини кўрсатиб қўяди. Аниқроғи воқеликнинг танқидчиси бўлмай тура олмади. Ҳатто, холисликнинг пайғамбари ва эстетизмнинг ярим худоси бўлмиш Флобер ҳам ўзининг “Оддий қалб”, “Авлиё Юлиан ҳақида афсона”, “Бовари хоним” каби асарларида ҳаётнинг теран танқидини берган. Модомики, асосий нарсани ижодий руҳ ва ифоданинг теранлиги экан, очиғини айтганда, тасвирланган манзара объектив тасвирга ўхшаб кетадими ёхуд матн замирида санъаткорнинг “мен”и сезилиб турадими-йўқми – бунинг нима аҳамияти бор. Мазкур саволлар ҳар бир адабиёт кишисини ўйга толдириши мумкин.

“Адабиёт танқиддан фарқ қилади. Бу фарқ кеманинг олисларга сузиши билан каботаги сузиши ўртасидаги фарққа ўхшайди”⁴⁶.

Танқидчиликда фалсафӣ қарашлар ҳам устувор. Бир хиллик, яқранглик кишини зериктиради. Бу муқаррар тарзда оригиналликка иштиёқ туғдиради. Шунинг ўзи ўзича олинганда оригиналликдир. Яъни воқеаларга муштоқлик-белгисидир. Янги замон белгиси. Танқидчи Сэмюэль Беккет таъкидлаганидек, “Қизиқарлидан кўра ортиқроқ даражадаги зерикарли нарса йўқ”⁴⁷. Демакки, ҳар бир нарсанинг, жараённинг ўзига хос меъёрий босқичлари мавжуд. Муҳими, шунинг тизимларидан чекинмаслик зарур.

⁴⁶Генис А. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 116.

⁴⁷Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so`z, 2011. – Б. 33.

Адабиёт санъаткори, фақат угина ўзининг субъективлигини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, оламга тўппа-тўғри қарай олади, шундай қарайдики, бу қарашнинг эгаси санъаткорнинг ўзи экани сезилмай қолади.

“...Шекспирни биринчи марта ўқиб чиққанимда жуда қаттиқ таажжубда қолган эдим. Мен уни ўқиб жуда катта эстетик завқ оламан, деб ўйлагандим. Аммо, унинг энг яхши деб ҳисобланадиган асарларини – “Қирол Лир”, “Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Макбет” ларни бирин-кетин ўқиб чиқиб, завқ олиш бир ёқда турсин, қутулиб бўлмайдиган бир ижирғаниш ҳис қилдим; ўқиб чиққунча сиқилиб кетдим ва ҳанг-манг бўлиб қолдим...”⁴⁸.

Ушбу мулоҳазаларни ўқиб, “йиғлаб” юбориш мумкин, чунки Шекспир жаҳон адабиётининг муҳити, руҳиятини яратган шахс. Аммо, муаллифнинг қарашлари ижодкорнинг асарларида сиқиклик, эзилиш, сентименталлиги билан асосланади. У ҳаттоки, Шекспирнинг сўз қўллаш санъатига ҳам эътироз билдиради. Аммо, хатоси шуки, фикрини изоҳламайди, исботламайди.

Муаллиф томонидан кимгадир қарата айтилаётган фикр, албатта, сўз воситасида ифоланади. Танқидий мушоҳадалар ҳам бевосита сўз асосида етказилади. Шу боис унинг ўювчан хусусиятидан ҳам гўзаллик яратиш воситасида фойдаланиш ўринлидир. Илмий тадқиқот негизида ҳам бу асос бирламчи вазифани бажариши шарт.

Сўз орзунинг эгиз оғасидир, у сизга шундай бир сирли эшикни очиб берадики, бу эшик орқали сиз истаган вақтингизда эркинликка чиқа олишингиз мумкин. Сўз ёрдамида кишини диққинафас қилиб юборадиган замондан, зериктирувчи манзарадан, чидаб бўлмайдиган турмуш шароитидан, ниҳоят, ўз-ўзингдан осонгина қочиб қутилиш мумкин. Сўзнинг жилоси, қудрати хусусида Ҳазрат Навоий шундай байтларни келтиради:

“Жисм бўстониға шажар сўздир,

Рух ашжорига самар сўздир”⁴⁹.

⁴⁸Голстой Л.Н. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 137.

⁴⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. – Т.10. – Т.: Фан, 1992. – Б. 33.

Янада кучлироқ таъсир қиладиган ва домига оладиган омиллардан яна бири-рақиблик туйғуси ва шон-шуҳрат иштиёқидир. Бошқалар билан тенглашмоқ, улардан орқада қолмаслик, аксинча, улардан ўтиб кетиш истаги, сўз ва фикр дунёсида улардан кўра юқорироқ ўринга кўтарилиш орзуси ҳам ижодкорга катта қувват беради. Танқид, рақобат ривожланиш омилидир.

Шунингдек, биринчи қарашда майдароқ кўринадиган оддий каноат ҳосил қилиш, мамнун бўлиш каби туйғуларга ҳам беписанд қараш керак эмас. Улар нафақат илк бор қоғоз устига эгилиб сўздан маст бўлган адиб ижодининг дастлабки босқичларини белгилаб беради, балки бу туйғулар ҳам ижоднинг кейинги босқичларида ҳам ёзувчининг қўлига қалам тутқазади ва бу ҳодиса биз ўйлаганга қараганда кўпроқ рўй беради.

Айниқса, шоирларда неча марталаб шундай рўй берганки, сўз ҳудди кўшиқ каби ёлғиз қувончнинг ўзидан туғилган, ҳаётини кучларнинг тўлиб-тошганидан ҳосил бўлган.

Ниҳоят, ташқи рағбатлантирувчи омилларни ҳам тилга олмасдан ўтиб бўлмайди. Бу омиллар, эҳтимол, адибни йўқдан бор қилмас, ҳеч кимни ёзувчига айлантириб қўймас ҳам, лекин улар кул ичидаги чўғдан аланга ҳосил қилишга ёрдам беради.

Ўз навбатида, соф адабий танқидчилик қандай бўлса, шундайлигича намоён бўлиши шарт. У қайсидир манфаатлар гирдобидида қолмаслиги, (масалан, “The Writer” деган Америка журналида эълон нашр этилган, унда ҳамма нарсани қамраб олувчи мавзуларда ёзилган романлар, драмалар, сонетларга, қофияланган оқ шеърларга таклиф ва талаб борлиги айтилган.) моддиятга айланмаслиги керак. Бунинг учун матбуот майдонида соғлом рақобат, рақобатга туртки берувчи олимлар, журналистлар, ижодкорларнинг залвори сезилиб туриши зарур.

Таассуфки, “ёзувчи” сўзини ҳозирги пайтда жуда қаттиқ суиистеъмол қиладилар. Яқингача ёзувчи ва адабиётчи, танқидчи сўзларини қўллашда

анчагина эҳтиёт бўлишар ва камсуқумлик билан бу ушбу сўзлар ўртасидаги тафовутни сақлашга ҳаракат қилишар, ўз ўрнида ишлатиларди. Энг муҳими мазкур номларга муносиб бўлгандагина киши ўзини шундай номлар билан атарди.

Бугунга келиб, ҳали бирор нима қоралаш тугул, бирор сўзни, жумлани келтира олмайдиган “шахс” лар ҳам ўзларини баралла қандайдир номлар, унвонлар билан атайдилар. Адабиёт олдидаги масъулият тушунчаси қаерга йўқолганлиги кишини ўйлантиради.

2-БОБ. Матбуотда миллий танқидчилик “мактаби”нинг яратилиш муаммолари талқини

2.1. Матбуотда адабий-бадий танқидчилик самарадорлигининг омиллари

Ҳар бир ижодкор ўзига хос услубий, ижодий йўналишга эга. Ўқувчи ўзининг қарашлари натижаси ўлароқ кимгадир издош бўлади. Шу ўринда савол туғилади. Даставвал услуб яратиладими, ёки ижод наъмунаси тайёр бўлгач унинг йўналиши белгиланадими? Бу борада бир томонлама қараш ноўрин. Истаймизми, йўқми инсоният маълум қолип доирасида ҳаракатланиши жуда қийин. Унинг ижодий кирралари фақатгина эркин тамойилларга асослангандагина асл маъносини кўрсатади. Шу боис кўп ҳолларда муаллиф ҳар қандай кичик, катта ҳажмдаги асарларини мустақил ёндашув, ҳеч бир сиқиликсиз дунёга келтириши соҳа ривожининг омилдир. Шунда муаллифнинг руҳияти, миллий қарашлари, ўзига хос услуби ярқ этиб намоён бўлади. Бевосита бунинг самараси ўлароқ “мактаб” яратилиш борасида дадил қадамлар ташланган бўлади.

Матбуотда адабий-бадий танқидчилик самарадорлигининг омиллари сифатида аввало, муаллиф ва аудиториянинг узвий алоқадорлигини назарда тутиш керак. Самарадорликка қачон эришилади? Кўтарилаётган масала ўзига хос ижтимоий, сийсий, маданий, иқтисодий мақсадларни бирлаштира ва ўз навбатида аудиториянинг эҳтиёжманд эканлигига жавоб берсагина мазкур масалада мақсадга эришилади. Матбуотдаги адабий-бадий танқидчилик борасидаги самарадорлик хусусида сўз юритганда, бундаги асосий таянч манбаани матбуот нашрларидаги адабий-бадий воқеаликка асосланган материаллар ташкил қилар экан:

- материаллар реаллигини кучайтириш;
- муаллифлар билан ишлашни йўлга қўйиш;
- турли методик омилларни амалий қўллаш;

- адабий-бадий танқид давр руҳияти ва ижтимоий ҳаётнинг қай жиҳатларини ўзида мужассамлаштирганлигига эътибор қаратиш;
- шахсий манфатлардан мутлақо воз кечиш;
- фидоий бўлиш;
- ҳужжатлар билан ишлаш, кузатув, экспериментал, хатлар билан ишлаш ва жавоб қайтариш, кўрилаётган масала юзасидан чора-тадбирлар кўра олиш сингари методлар самарасига таяниш;
- ишонч нуқтасини топа олиш;
- чинакам танқидчи ва воситачи орасидаги фарқни кўрсата олиш, фаолиятни аниқ юзага келтириш.

“ Ҳақиқий танқидчи билан воситачи орасида ер билан осмонча фарқ бор. Танқидчининг ўз овози, бетакрор услуби, ижодкор шахс эканлиги ҳақиқий бадий асарни куйиб-ёниб ҳимоя қилишида, аксинча, сохта асарнинг яроқсизлигини ишонарли исботлаб беришда кўзга ташланади. Танқидчининг масъулияти адабиёт даргоҳини сохта, юзаки матнлардан тозалаш учун олиб борган курашида сезилади. Аксинча, воситачи мафкура йўлида хизмат қилади”⁵⁰.

Аслида, танқид тафаккурини янгилайдиган, янгича қарашлар, тенденциялар, йўналишлар, таҳлил принципларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи омилларни алоҳида-алоҳида кўрсатиш зарур. Бундай омиллар, бизнингча иккита:

- 1) ички омиллар;
- 2) ташқи омиллар.

Ички омил деганда, энг аввало, янгича танқид тафаккурини юзага келтирадиган қонуниятлар назарда тутилади. Бу қонуниятларнинг юзага чиқишида алоҳида истеъдод соҳиби бўлган танқидчи “мен”ининг роли беқиёсдир.

⁵⁰ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. Т.: Фан, 2006. – Б. 52.

Ташқи омиллар: икки адабий жараён ва ижтимоий ҳаётни қамраб олувчи қисмлардан ташкил топгандир.

Бугунги кунда танқидчиликнинг адабиётга муносабати ҳеч кимни – китобхонни ҳам, ёзувчини ҳам, мунаққиднинг ўзини ҳам мутлақо каноатлантирмаса керак. Агар бундай муносабатнинг ўзи бор бўлса, у шу даражада ингичка, шу даражада юбқалашиб кетганки, қадимги бир шоирнинг ибораси билан айтганда, “ғояти нозиклигидан” кўзга кўринмайдиган даражага келиб қолган. “Бугун мунаққидлар, умуман кўзга кўринмай кетган. Баъзан хайрон қоламан, ёқа ушлайман – наҳотки уларнинг ҳаммаси Ипподромда бўлса. Албатта, шундай бўлиши ҳам мумкин. Ҳаммаси бўлмаса ҳам бир қисми кундалик турмуш йўлини Ипподром орқали солиб юборган бўлиши мумкин. Мен бундай мунаққидларни қораламоқчи эмасман. Аввало шунга айтиш керакки мунаққидлик касби – майли у шарафлидир ёки шарафли эмасдир, ҳеч қачон бемалол тирикчилик қилишга имкон берадиган касб бўлган эмас. Танқидчилик қиладиган одам бошқа бирон касб билан пул топиб, бу пулини танқидчиликка едирсагина, озми-кўпми бу иш билан шуғулланиши мумкин бўларди”⁵¹.

“Биз – мунаққидлар олимлар эмас, мустақил ижодкорлар эмас, жуда ёрлақганда, ёзувчи яратган асарларнинг тафсирчилари эдик, холос. Ёки ҳар хил анжуманларда у ёки бу ёзувчини мақтаб, кўкларга кўтариб, дохий ижодкор эканига унинг ўзини ҳам ишонтириб, маърузалар ўқийдиган маддоҳлар эдик. Эҳтимол шу сабабдандир, яъни профессионал рейтингизмизнинг умумжаҳон меъёрлари талабларига жавоб бергани учун ўзимиз яққаланиб, ўз қобиғимизга бурканиб қолгандирмиз.”

“Қаловини топсанг – қор ҳам ёнади” деганларидек, ушбу муҳитда ҳам иложини, йўналишини топса бўлади. Айрим адабиётларда, афсуски, бизда эмас, ўша қолиплардан қўрмай иш тутган, фақат адабиёт учун эмас, бутун жамоатчилик тафаккурини силжитиш учун хизмат қиладиган муаммоларини

⁵¹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 42.

жасурлик билан кўтариб чиққан мунаққидлар бўлган. Масалан, Кардин деган рус мунаққиди 1963 йилда бир мақола эълон қилиб, унда Панфиловчи 28 қаҳрамон ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси ёлғон эканлигини исботловчи материал эълон қилган. Тасаввур қилиш жуда кўрқинчлики, бу қаҳрамонларнинг ҳаммасига аллақачон унвонлар берилган эди. Улар ҳақида фильмлар, кўрсатувлар, китоблар ёзилан, уларнинг номларига кўчалар ва мактаблар очилган, ишга тушган эди. Бу жуда катта сиёсий иш эди. Мақола жуда улкан воеага сабабчи бўлди. Даҳшатли уйғониш бошланди. Марказий комитетда, ёзувчилар уюшмасида, умуман давлат идораларининг жамики минбарларида фақат мазкур масала муҳокама қилинар, тафтиш олиб бориларди. Ўша даврда фаолият юритган жамики мансабдорларнинг барчаси сўроқ қилина бошлади. Қатъий тартибда кескин текширув йўлга қўйилди. Махсус тузилган гуруҳ ҳеч кимни аяб ўтирмасди. Ишнинг охири муаллифнинг ҳақлиги билан исботланди. Ишнинг айбдорлари сифатида жамики мансабдорлар энг оғир жазога тортилдилар. Афсуски, бунинг бош сабабчилари журналистлар эканлиги жуда ачинарли ҳол. Улар ёлғон маълумот тарқатганлари ва йўқ жойдан қаҳрамонлар ўйлаб топиб, уларни давлат сиёсати даражасига кўтарганликлари учун қилган ишларига муносиб жазонинг энг қийин турларига маҳкум қилиндилар.

Мазкур иш ҳанузгача барча журналистлар учун катта “дарс” вазифасини бажаради. Шу боис журналистлар ҳар бир қадамида хушёр, масалага ўта синнчковлик ила ёндашишга ҳаракат қиладилар. Вақти келса, ўз бошига “бало” бўладиган мавзулардан воз кечадилар.

Эндиликда танқидчилик хусусида сўз очмаса ҳам бўлаверади. Ўша лаҳзаларда шу каби воқеаликнинг “ярмичалик” бўладиган бирор материал матбуот саҳифасида эълон қилинмаган. Қўйингки, ижтимоий муаммолар бир ёқда турсин, адабиёт билан боғлиқ бирор масала ҳам ўз ечимига эга бўлолгани йўқ. Шу боис давр “имконият”ларидан ҳафа бўлмоқликнинг ўзи аҳмоқлик.

Мустақиллик адабиёт каби адабий танқидда ҳам эски қолиплар ва исканжаларни улоқтриб ташлаб, эркин ижод қилишга имкон яратди. Мустақилликнинг адабий танқидга берган энг катта неъмат шундан иборат. Лекин таъкидлаб айтмоқ керакки, бу неъмат – имконият шаклида берилган, уни воқеликка айлантириш, ундан фойдаланиш эса тўлалигича ижодкорнинг ўзига, мунаққидларга боғлиқ. Улар масъулиятни тўла тушуниб, бутун кучларини сафарбар этиб, мустақил ватанга муносиб ва юксак журъатли ва таъсирчанадабий танқид яратмоқлари керак.

Адабий танқиднинг орқада қолишига сабаб бўлаётган, уни кашшоқлаштираётган омиллардан бири социологик тадқиқот усулининг яшовчанлигидир. Биринчидан, социологик таҳлил осон – уни амалга ошириш учун унчалик жон куйдирмайсан – асарнинг мавзуини, мазмунининг асосий нуқталарини айтасан-да, ўшанга яқин ҳаёт воқеаларига солиштирасан, сўнг ўзининг бир иккита “доно” хулосаларининг айтасан, муаллифга қаерини тузатиш, қаерини кучайтириш, қаерини олиб ташлаш тўғрисида қимматли маслаҳатлар берасан. Лекин, бунақа “танқид”дан на китобхонга, на ижодкорга фойда бор. У газетадаги танқидга аталган бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади, холос.

Сунъий танқидчилик қайсики имиджни кўрсатишга хизмат қилади. Бунда маълум қиёфа яратилади, ундаги таъна азолари сохталаштирилади. Айни ушбу тизим неча асрларки, салбий оқибатларини намоён қилиб, ўз исботини топса-да, афсус бугунгача давом этмоқда.

Иккинчидан, танқиднинг бу шаклига мурожаат қилишга мажбур этадиган сабаб – билимнинг саёзлиги, савиянинг пастлигидир. Бадииятни хис қилмаган, санъатнинг санъатлиги нимада эканлигини билмайдиган, санъатдаги турфахилликни, битмас-туганмасликни ҳаёлига ҳам сиғдира олмайдиган, лекин ёзмаса туролмайдиган одам социологик усул ёрдамида ишини битириб қўя қолади.

Аммо, истиқлолимизнинг илк йиллариданок мазкур эскича қараш, услубдан воз кечишга киришилди. Натижада, танқидчиликда доимий изланиш кераклиги, адабиётнинг ички гўзаллиги ва бойликларини тўларок очиб беришга қаратилгани янги имкониятлар излаш зарурлиги тобора аён ҳақиқат бўлиб бормоқда.

Бугун икки карра икки тўртдай аён бўлиб қолдики, адабий танқидда ҳам шакллар хилма-хиллиги, услублар бойлиги муҳим ўрин тутмоғи керак. Бунини амалга ошириш эса ижодкор шахсига, унинг истеъдодига боғлиқ. Танқидда бундай изланишларсиз самарадорлик ва таъсирчанликка эришиш мумкин эмас. Мунаққид ижодкор бўлса, унинг ўзининг бетакрор услуби бўлмоғи керак.

“Адабиётшунос ва мунаққид Абдуғафур Расулов ҳам айрим тадқиқотларида ҳали ҳеч ким юрмаган йўлдан юришга, тадқиқотнинг янги йўллари кўллашга интилоқда”⁵².

Сўнгги йилларда газета ва журналларни мунтазам кузатиб борган одам бир ҳодисадан бағоят мамнун бўлмай сира иложи йўқ. Йил сайин адабиётимизга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёш ижодкорларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Дастлабки асарлари биланок жамоатчиликнинг эътиборини қозонган, келажагига умид билан қараса бўладиган шоирлар, прозаиклар ва драматурглар қаторида анча-мунча ёш танқидчилар ҳам бор. Улар фақат тақризлар ва обзорлар ёзиш билан чекланмасдан, проблематик мақола ва адабий портрет каби мураккаб жанрларда ҳам кучларини синаб кўрмоқдалар. Лекин шундай бўлсада адабий танқидчилигимизнинг бугунги аҳволидан тўла қониқиш ҳосил қилиш қийин. Танқидчилигимизда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда, аммо уларни ҳали қилиниши керак бўлган ишлар билан таққосласак, ривожланиш суръати анча кўнгилдек эмаслиги аён бўлади. Танқиднинг адабиётимиз олдидаги қарзи ҳали катта.

⁵²Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 58.

“Менинг назаримда, сўнгги йилларда жилд-жилд “Танланган” ва “Сайланган” асарларнинг пайдо бўлишига аслида адабий танқиднинг оқсаб қолгани сабабчидек туюлади”,⁵³ дейди ёш мунаққидлардан бири Алишер Назар. Аммо, шуни унутмаслик керакки, бу майдон жуда кенг. Унда ижод қилиш эркинлиги мавжуд. Танқидчилик ижодий хурликка тўсқинлик қилмайди, аксинча йўл кўрсатади.

Адабий танқид ҳам ғоят мураккаб, ғоят масъулиятли фаолиятдир. Шоирлик ёки рамоннависликни даъво қилувчи ҳар қандай одам ҳам шоир ёхуд рамоннавис бўлавермаганидек, тақриз ёки мақола эълон қилган ҳар қандай одамни ҳам танқидчи деб эътироф этиш жоиз бўлмаса керак. Танқидчи бўлиш учун, албатта, истеъдод керак, шоир, драматург ёхуд носир бўлиш учун истеъдод қанчалик зарур бўлса, танқидчи бўлиш учун ҳам шунчалик зарур. Аммо, танқидчи ҳар қандай синовли вазиятларга ҳам тайёр, ўз сўзини айтадиган, “мен”ини кўрсата оладиган даражада бўлиши керак. Гарчанд Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ҳазил тариқасида қуйидаги мисраларни битган бўлса-да, аммо сатрлар замирида улкан ҳақиқат яширинган.

“Эй мунаққид, сен ғазални

Кўҳна деб камситмагил,

Севги ҳам Одам Атодин

Қолган инсон қонида”⁵⁴.

Истеъдодсиз ёзилган танқидий мақоладан фойдадан кўра кўпроқ зарар келади. Бу ўринда табиий савол туғилади: танқидчининг истеъдодини қандай тушуниш керак? Танқидчилик қобилияти нима дегани? Танқидчиликнинг таланти уч элементдан ташкил топади ва бу самарадорликнинг муҳим омилларидандир.

⁵³ Алишер Назар. Холислик эҳтиёжи. – Т.: Muharrir, 2013. – Б. 64.

⁵⁴ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. Т.: Фан, 2006. – Б.117.

Биринчиси – адабиётдаги гўзалликни, ғоявий ва бадиий бойликни ҳис қила билишдир. Бошқача қилиб айтганда, танқидчи бўлишни истаган одамда биринчи навбатда эстетик туйғу ниҳоятда ўткир бўлиши лозим. У санъат гўзаллигини нозик ҳис қила билиши, бадиий адабиётдан чинаккамига завқлана олиши шарт.

Иккинчиси – фикрлаш қобилиятидир. Танқидчи ўқиган нарсаларини чуқур таҳлил қила билиши, асардаги воқеа ва ҳодисаларни, характерларни ҳаёт ҳодисалари билан, ҳаётдаги жонли одамлар билан таққослай билиши ва бу таққослардан жамият ҳаёти учун зарур ҳамда фойдали хулосалар чиқара олиши керак. Танқидчи фақат бадиий асарнинг шарҳловчисигина бўлиб қолиши керак эмас. Шундай бўлса, унинг ёзгани китобхон учун ҳам, ёзувчи учун ҳам заррача наф келтирмайди.

Учинчиси – сўз санъатига нисбатан эҳтиросли, оташин муҳаббатни айтиш мумкин. Танқидчи бўлишни истаган одам адабиётни бутун вужуди билан севиши, унга сидқидилдан, фидойийлик билан хизмат қилиши лозим. Амма танқидчининг ҳар бир мақоласида, ҳар жумласида, ҳар сўзида сўз санъатига эҳтиром сингиб кетмоғи, уларни ич-ичидан нурлантириб турмоғи шарт.

Танқидчилик касбининг мураккаблиги шундаки, бу касбда бирон бир сезиларни муваффақиятга эришмоқ учун истеъдоднинг ўзи мутлақо кифоя эмас. Маълумки, танқидчининг кучи, танқидчининг қадри унинг адабий жараёнга кўрсатувчи таъсири билан белгиланади. Адабий жараёнга таъсир кўрсатиш учун танқидчи ғоят чуқур, ғоят салмоқли, далилли фикрлар, муаммолар, мулоҳазаларни ўртага ташлаши керак. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти билан шуғулланадиган танқидчи янги ўзбек адабиётининг 60 йиллик тараққиёт йўлини, ҳамма йирик ёзувчиларнинг ижодини беш қўлда билмоғи керак. Бундан ташқари, у ўзбек классик адабиётини ва халқ оғзаки ижодини яхши билмоғи шарт. Бугунги адабиётимиз ҳақида қардош халқлар адабиётидан ажралган ҳолда фикр юритиб бўлмайди. Бинобарин, қардош

республикалардаги адабий жараёндан ҳам воқиф бўлиш, ҳар қайси республикада яратилаётган етук асарларни ўқишгина эмас, қиммати ва аҳамиятини ҳам пухта билиш лозим. Ҳозирги замон рус адабиётини мукаммал билиш зарурлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Яхши адабиётшунос ёхуд танқидчи бўлиш учун ҳам буларнинг ўзи кифоя эмас. Булардан ташқари яна рус классикасини, туркий халқлар классикасини, жаҳон классикасини яхши билиши керак.

Адабиёт олами ички зиддиятларга, кўз илғамас пинҳона оқимларга сероб олам. Адабий ҳаётда тез-тез шундай вазиятлар учраб турадики, улар танқидчини бир томонлама гап айтишга, баъзан талабчанликни бўшаштиришга ундагандай бўлади. Баъзан эса айрим танқидчилар очикдан-очик танқидни ўз шахсий манфаатларига бўйсундириб оладилар.

Танқидчилик ғоят сермашаққат, умрбод давом этадиган, меҳнатни талаб қилувчи, ҳаётнинг кўпгина ҳузур-халоватидан маҳрум қилувчи касбдир.

2.2. Танқид ва муаллиф “мен”и

“Мен” икки шаклда маънога эга бўлади. Биринчи жиҳати “мен” дея шахс ўзининг ким эканлигини таъкидласа, иккинчи томондан “ўзлиги”ни намоён этади.

“Ижод ҳамма вақт жумбоқлигича қолаверади ва унинг туб илдизлари – инсон “мен”и қоронғуликларида кўздан йўқолади”⁵⁵.

Истаймизми, йўқми ҳар бир ижодкор ўзининг ижод наъмуналарида ички оламини ифодалайди. Қаҳрамонларининг ҳаётига кечинмаларидан чизгилар беради. Буни чинакам китобхон англаши мумкин. Сабаби, асардан асарга муаллифнинг қалби очилиб, тафаккури ўсиб, юксаклашиб бораверади. Матбуот ўз навбатида ана шундай пишиқ, пухта, бадий савияси мукамал асарларни чинакам мухлисларга етказиб бориши шарт. Шунда, уларнинг ҳақиқий эгалари кураш майдонида қолади.

Муаллиф Аҳмад Отабоев танқидчилик борасида жуда кўплаб мулоҳазали материалларни матбуотда эълон қилган. Уларнинг ҳар бири долзарблилиги, давр руҳиятига монандлиги, жамият тараққиёти, хусусан, адабиёт ривожига тўсиқ бўлаётган омилларининг туб сабабини ўрганилганлиги билан аҳамиятли. Ана шундай материаллардан бири мунаққид, танқидчилик борасида ўзига хос “мактаб” яратган олим, устоз Озод Шарафиддинов билан бўлган суҳбат албатта, ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Суҳбат жуда катта “юк”ни ўз гарданига олган. Ундаги қочиримлар муаллифнинг позициясини кўрсатиб беради. Адабий жараён ҳақида реал ҳолат далиллар, маълум ҳақиқатлар асносида кўрсатиб берилади:

- муаллифнинг савол бериш услуби;
- мавзуда илгари сурилган оғриқли нуқталарни сўз ўйини тарзида очиб бериши;
- адабий жараён ҳолати негизида матбуот тизимида берилган баҳолаш мезони;
- суҳбатдошнинг интим кечинмаларини очиб бериш;

⁵⁵ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz soʻz, 2011. – Б. 49.

- адабий танқидчиликнинг асл маъносини, мақсадини суҳбатда яширин тарзда бера олиш маҳорати;
- суҳбатни жанрий жиҳатдан ўстириш, яъни муаллифнинг таҳлилий мулоҳазалрига ўрин берилаётганлиги – адабий-таҳлилий йўналиш билан бойитилганлиги.

“Озод ака, суҳбатимизни бугунги адабий жараёнга танқидчиликнинг муносабати ҳақидаги мулоҳазалардан бошласак. Умуман, бундай муносабат ўзи борми, у сизни қонитирадими, бундай дейшимизга сабаб, таҳририятимизга келаётган мактубларда адабий танқиднинг бугунги фаолиятдан қониқмаслик ҳисси аниқ ифодаланган. Яқинда ана шундай мактублардан бирини, ўтган сонда эса бу мактубга мунаққид Норбой Худойбергановнинг жавобини эълон қилдик. Ўқигандирсиз....

- Ўйлайманки, бугунги кунда танқидчиликнинг адабиётга муносабати ҳеч кимни-китобхонни ҳам, ёзувчини ҳам, мунаққиднинг ўзини ҳам мутлақо қониқтирмаса керак. Агар бундай муносабатнинг ўзи бор бўлса, шу даражада ингичка, шу даражада юпқалашиб кетганки, қадимги бир шоирнинг ибораси билан айтганда, “ғояти нозиклигидин” кўзга кўринмайдиган даражага келиб қолган. Бугун мунаққидлар умуман кўзга кўринмай кетган....”⁵⁶.

Домланинг мазкур суҳбат жараёнида жуда катта дарди очилган. Бугунги танқидчиликнинг аҳволи, мунаққидларнинг акс ҳаракатлари, ўзларига нисбатан масъулият билан қарамасликлари, тақдим этаётган материалларда қандайдир соҳталиқ, қандайдир манфаат устуворлиги яққол намоён бўлаётганлиги сингари аччиқ мулоҳазалар дадил ифодасини топган. Мунаққидлик касби бу пул топиш учун ёки кишининг айрим манфатларини қондириш, қаердандир нимадир ундиришга замин ҳозирлайдиган, моддиятни таъминлайдиган соҳа эмас, балки унинг вазифаси инсоният яшаётган шу замин ривожига, гўзал ҳаётни таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб

⁵⁶ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 226.

туриши, керак бўлса, мазкур ҳолатга жавобгар эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шунингдек, таҳририятлар ҳам бу борада ўзига хос масъулият билан ёндошсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, маълум бир нашр тури ўз олдига танқидчиликнинг, умуман, адабий жараёнларнинг руҳиятини ўзида ушлаб турмоқчи бўлсалар, аудиториянинг эътиборидан қолмаслик керак бўлса, шубҳасиз, қалами ўткир мунаққидлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари шарт деб ўйлайман. Чунки, адабий муҳит ҳақида атрофлича мулоҳаза юритиш, айниқса ижодкорларга баҳо бериш жараёнида улардаги реал караш, фақат адабиётчи сифатида караш кераклигини уқтиришга ҳожат қолмайди.

“Кўп йиллардан бери мен яхши ҳурмат қиладиган ва мени ҳам (манимча) тузуккина ҳурмат қилган “Шарқ юлдузи” таҳририяти сўнгги ўн йилда менга биронта тақриз ёки мақола сўраб мурожаат қилгани йўқ. Ҳозир аҳвол бироз ўзгарган, матбуотда секин-аста турли мақолалар пайдо бўлмоқда. Қалам ҳақи масаласи ҳам бир даражада бўлса ҳам изга тушган. Лекин, шунда ҳам барибир, танқидчилик шунақа касб эканки, унинг кетидан топган пул шу мақолага сарфлаган қоғоз пулига ёхуд машинка ҳақини қоплашга мутлақо кифоя қилмайди. Шундоқ бўлгандан кейин “муносабат” ҳам ҳамин қадар...”⁵⁷.

Муаммо нимада, таҳририят ва муаллифлар орасига кўприк ҳозирлаш учун қандай чоралар кўриш шарт. Натижага эришишда техник шакл муҳимми, ёки...

Шу ўринда Озод аканинг суҳбатидан таъсирланиб, уларнинг мулоҳазаларини айрим ўринларини биргаликда таҳлил қилсак. Мунаққид танқидчининг мақсадини аниқ тушунтиришга ҳаракат қилади.

- танқидчи ўзи истамаса ҳам фидоий бўлиши шарт, бу мажбур, чунки у ўзининг ўз эҳтиёжларини устун қўйса бажараётган амалидан фойда йўқ;

⁵⁷ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 227.

- мунаққид тарих ва бугун, келажак ҳақида тасаввурларини аниқ, теран ифодалай олиши, бунинг учун унда билим захираси бой бўлиши керак;
- қиёслай олиш, таққослаш, тўғри хулосалар ясашига туртки беради;
- билдирилган фикрининг мевасини олдиндан тасаввур этиши, қай ўринда қандай иш тута олиши, қандай сўз ўйинларини қўллай олиши кераклигини билиши, шунга тайёр туриши шарт, қисқаси стратегияси мустаҳкам бўлиши керак.

Шу маънода мунаққид фикрларига асосан айрим қарашларни айтиб ўтсак. Бизда адабий танқид бирламчи шаклда ривожланган. Айниқса, аср ўрталарига келганда профессионал танқидчилар гуруҳи шаклланиб етди. Улар танқидий китоблар чоп этишди, мақолалар эълон қилиб туришди, адабий портретлар яратишди, юзлаб тақризлар майдонга келди. Лекин, шунга қарамай, ўтмишда ҳам танқидчиликнинг аҳволи қувонарли аҳволда эмас эди. Унда шунақа жиддий нуқсонлар бор эдики, бу нуқсонлар шу даражада кендик эди, шу боис унинг адабиёт билан бир сафда ҳаракатланиши учун имкон туғдириш қийин эди. Бу худдики, қиёс жоиз бўлса, Дон Кихот билан Санчо-Пансо муносабатларига ўхшаб кетарди. Бири отнинг устида ўзига хос савлатга эга, ўзига хос характерга эга, мақсади бор, аммо ноаниқ. Иккинчиси эшакда сарбонининг ғояларига эргашган ҳолда, унинг измида эди. Аммо, у эшакда, бунинг ҳам қайсидир маънода рамзий маъноси бор. Икки номутаносибликнинг ташқи ҳолати ҳар қандай инсонни кулгисига сабабчи бўласада, уларнинг ички аҳволи шу қадар аянчли, оғриқли, изтиробли эди. Икки руҳий ҳолат, икки кутб бизнинг танқидчилигимизнинг рамзий аҳволотига қиёс этилса, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Бунинг негизида ҳукмрон мафкуранинг босими, тафаккур қилишга имкон бермайдиган, даҳшатли исканжалар чиқариб қўйгандики, бундай шароитда кенг қўламда, бемалол эркин фикрлаш амримаҳол эди.

Мураккаб вазиятларда мунаққид фақат бир вазифасини бажарган. У қайсики ижод наъмунаси бўлмасин унинг тасвирчисига айланган. Танқидчи

баҳо бермас, аксинча, воқеалар ривожига ҳақида тафсилотлар берар. Ёзувчи, адибнинг шаънига илиқ фикрлар билдирар, қарсақлар минбарига элтишга ёрдамчи эди. Қўпол қилиб қилиб айтганда, танқидчи тафсилотчи, бозорда ўтмаган маҳсулотни мақтайдиган сотувчига ўхшарди.

Бироқ бунга сабаб нимада? Эҳтимол, профессионализм рейтингимизнинг умумжаҳон меъёрлари талабларига жавоб бермагани учун ўзимиз яккаланиб, ўз қобиғимизга бурканиб қогандирмиз. Шу боисдан 80–йиллар охирида бошланган ва ҳаммани ларзага солган ошкоралик ва қайта қуриш мунаққидларни оғир уйқудан уйғота олганлари йўқ. Уйғониш учун эса янгича қарашлар, янги фикрлар, янги ташаббуслар керак, сув ва ҳаводай шарт эди. Аслида, бу муаммонинг ечимсиз ҳолатлари ҳам айтиш шундадир.

Бироқ, ташқаридан қараб, ўтган тарихга тош отиш осон. Билдирилаётган мулоҳазалар балки ўринсиз туюлар. Аввало, ҳар бир янги босқич, ўзгаришлар яхши ва ёмон бўлсин албатта, ўз таъсирини кўрсатади. Унинг асоратлари энг аввало халққа қайсидир томонлари билан босим ўтказади. Бу ерда хатолик танқидчиларда деб ҳам мутлақ ҳулоса чиқариш мумкин эмас. Давлат, жамият ҳам инсонга ўхшайди. Инсонда жамики тана аъзолари нақадар керак ва ўз навбатида ҳаммаси маълум бир функцияларни бажарар экан, агарда қайсики тизим ўз вақтида ҳаракатда бўлмаса албатта, заифлик сезилади. Бунда инсонни даволаш, унинг тикланиши учун ташқи кўмак беришга тўғри келади. Жамият ҳам шундай эҳтиёжга эга. Унинг айрим ўринларда ҳаракатлана олмаганлигини унинг заифлигига эмас, балки эҳтиёткорлигига йўйиш ўринлидир.

“Ўзбек адабий танқидчилиги ана шундай ҳолатда мустақиллик йўллариغا қадам қўйди. Мустақиллик танқидчилигимизнинг ҳам давомли таназзул ҳолатларини енгиб ўтишга, дунёга, адабиётга очиқ кўз билан қарашга йўл очди. Мустақиллик адабиёт каби адабий танқидда ҳам эски қолиплар ва исканжаларни улоқтириб ташлаб, эркин ижод қилишга имкон яратди. Менимча, мустақилликнинг адабий танқидга берган энг катта

неъмат шундат иборат. Лекин таъкидлаб айтмоқ керакки, бу неъмат-имконият шаклида берилган, уни воқеликка айлантириш, ундан фойдаланиш эса тўлалигича ижодкорнинг ўзига, мунаққидларга боғлиқ. Улар масъулиятини тўла тушуниб, бутун кучларини сафарбар этиб, мустақил ватанга муносиб мустақил ва юксак журъатли ва тасирчан адабий танқид яратмоқлари керак”⁵⁸.

Адабий танқиднинг орқада қолишида сабаб бўлаётган, уни кашшоқлаштираётган омиллардан бири биз юқорида тилга олганимиз социалогик тадқиқотлар усулининг яшовчанлигидир. Бу эски иллат ҳисобланади. Яъни танқидчиликни янги босқичларга кўтариш учун янги методологик назариялардан фойдаланиш керак. Керак бўлса, танқидчи ўзи ташаббус кўрсатмоқчи бўлган омиллардан фойланса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда мунаққиднинг қилаётган амалларида силжишлар сезилади.

“Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишидан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”⁵⁹.

Маънавий ўзлик инсон “мен”ини кашф этишда муҳим омилдир. Шу боис танқидчилик негизида ҳам маънавий ўзлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир.

Мустақиллик шарофати билан адабиётшунослик ва танқидчиликда доимий изланиш кераклиги, адабиётнинг ички гўзаллиги ва бойликларини тўлароқ очиб беришга қаратилгани янги имкониятлар излаш зарурлиги тобора аён ҳақиқат бўлиб бормоқда. Бу борада мунаққидларимиз самарали тажрибалар ўтказишмоқда. Баъзи мисолларни эслайлик. Раҳматилла Иноғомов Эркин Воҳидов ижоди тўғрисида рисола эълон қилди. Бу китоб аввалги биронта рисолага ўхшамайди. Унда муаллиф ўзининг шахсий

⁵⁸ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Т.: Шарқ, 2004. – Б. 229.

⁵⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 333.

кузатувлари ва билимларига таяниб, кўпгина шеърларнинг ижодий тарихини яратган. Натижада, китобхон Эркин Воҳидов поэзияси тўғрисида аввал ўзи билмаган кўпгина мароқли тафсилотларга эга бўлди.

Олим Абдуллажон Аъзамов “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган мақоласида адабиётшунослик илмида биринчи бўлиб Алишер Навоий ғазалларини математик таҳлилга тортган. Маълумки, ҳали математиклар гўзаллик формулаларини ихтиро қилгунларича йўқ. Ажаб эмаски, Аъзамовнинг бу мақоласи бу йўлдаги биринчи қадам бўлса. Ҳар ҳолда, мақолада бир қатор эътиборга лойиқ кузатишлар бор. Адабиётшунос ва мунаққид Абдуғафур Расулов ҳам айрим тадқиқотларида ҳали ҳеч ким юрмаган йўлдан юришга, тадқиқотнинг янги йўллари кўллашга интилмоқда.

Эркинлик мунаққиднинг энг асосий қуроли ҳисобланади. Эркинлик истеъдодни ўртамиёначиликдан сақлаб қоладиган омилдир. Маълумки, ижод тафаккур билан боғлиқ. Адиб кўрган кечирганларини кузатган ва бошдан ўтказганларини умумлаштириб, ҳаёт тўғрисида, инсон ҳақида ўзининг ҳулосасини, умумлашмаларини беради. Яъни, фақат шу адибгина айтиши мумкин бўлган ҳулосалар китобхон учун қадрли ва тансиқдир.

“Саид Аҳмад ёзувчи сифатида аллақачон шаклланиб бўлган. Унинг ижодий қиёфаси аниқ-маҳорати мукаммал, қалами ўткир, юмори ҳаётий. Шундай экан, ёзувчи сифатида мустақиллик унга нима бериши мумкин. Назаримда, эркинлик, фикрлаш эркинлиги унинг асарларига янги тароват ва янги терналик бағишлайди. Буни “Қоракўз мажнун” китобидаги асарларда яққол кўриш мумкин. Ундаги кўп ҳикоялар сталинча қатлиом ҳодисаларига бағишланган. Айтиш мумкин, адиб тоталитар тузум шароитидаги инсоннинг ҳолатини тадқиқ қилади. Бундай асарлар кўп ёзилган. Лекин булардаги янгилик шундаки, адиб тоталитар тузумнинг чексиз жабр-жафоларига, зулмига қарамай, оддий инсон ундан ғолиб чиқишини кўрсатади, мустабид тузум инсондаги инсонийликни таг-туғи билан суғуриб олиб, ундаги ғурурни

кувиб чиқариб, уни кулга, манкуртга, ўзлигидан маҳрум муте бир маҳлукқа айлантirmoқчи бўлади, лекин Саид Аҳмад ҳикояларидаги одамлар ўзининг инсонийлигини йўқотмади, энг даҳшатли зулмларга қарамай, ўзлигини сақлаб қолади. Менимча, Саид Аҳмад мустақиллик туфайли эришгани эркин тафаккур орқалигина инсондаги ана шу гўзал қудратни кашф қила олди”⁶⁰.

Албатта, ҳар бир ёзувчининг самарали ижод қилишлари учун эркинлик “иштаха дориси” каби зарурлигини унутмаслигимиз керак. Шундагина, уларнинг ижодий имкониятлари намоён бўлади.

Биз асрлар мобайнида аجدодлардан мерос қолган адабий бойликлардан завқланиб, маънавий озуқа олиб келмоқдамиз. Уларнинг замирида шу юрт, шу заминнинг келажагига улкан раҳматлар ёғдирадиган ғоялар мужассамланганлиги билан аҳамиятлидир. Биз айна шу асарлар тасаввурида адабиётнинг ўтмишини тасаввур қиламиз. Ўтмиш кишиларининг қиёфалари, фазилатлари, уларнинг ким эканлиги хусусида маълум хулосаларга эга бўламиз. Аجدодларимиз ҳақидаги тасаввурларимиз айна шу маълумотлар асосида шаклланади.

Давр қаҳрамони тушунчаси ҳамиша, азалий ва абадий муаммолардан, жамиятнинг, керак бўлса давлатнинг энг зарур эҳтиёжига айланган мавзулардан саналади.

Бугунги кунда ҳам давр муаммоси айна шу масалаларга бориб тақалмоқда. Аввало, шуни қатъий таъкидламоғим керакки, ўзбек халқи ичидан ҳам бошқа халқлардан чиққани каби ҳам ўтмишда, ҳам ҳозирги даврда ажойиб қаҳрамонлар етишиб чиққан. Улар адабиётда акс эттиришга муносиб қаҳрамонлардир. Адабиётда улар тўғрисида кўплаб дostonлар, эртаклар, ривоятлар, қиссалар, романлар яратилган ва бундан кейин ҳам яратилади. Биргина “Алпомиш” ёхуд Гўрўғли туркумига кирувчи улуғ асарларни эслаш kifоя. Бугунги кунда ҳам жамият, китобхонлар мана шундай асарларни, унда мужассам бўлган халқ қаҳрамонларини, умуман,

⁶⁰ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 232.

жамиятимизнинг тараққиётига ҳисса қўшадиган инсонларнинг қиёфаларига чизгиларни муаллифлардан кутишади. Ўз навбатида Одил Ёкубовнинг “Қашқадарё гурунглари” очеркини, ёхуд “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган бир қатор саҳифаларни эслаш ўринли.

Аммо, масаланинг яна бир томони қаҳрамон қандай бўлади деган, саволнинг ўртага ташланишиёқ кишини ўйлантиради. Албатта, давр ижобий қаҳрамонларнинг саҳифа муҳтож.

Адабиётнинг асосий предмети инсон. Бу жиҳатдан адабиёт дунёдаги энг демократик ҳодисалардан бири бўлмоғи керак. Шуниси қизиқки, дунёнинг ҳамма сирининг тагига етиш мумкин, аммо, Ҳазрати Инсоннинг кулф калитини топиш мушкулдир. Инсон табиатига чексизлик, битмас-туганмаслик хос. Бу битмас туганмас доҳиёналикни пайқаб олиш учун санъаткор ўзига хос доҳиёна нигоҳга эга бўлиши керак. Хуллас, адабиётда инсон ёхуд қаҳрамон муаммосини самарали ҳал қилмоқ учун, биринчи навбатда, фалсафий режанинг асосида инсон концепциясини мукаммал ишлаб чиқмоқ керак.

Танқидчи ҳам инсон аслида. Инсон инсоннинг қалбини, унинг сўз синоатини тушунмаса бунда фожеа бўлиши мумкин. Шу ўринда танқидчи Озод Шарафиддиновнинг айрим кескир мулоҳазаларига назар ташласак. Бунда дарға матбуот нашри хусусида мулоҳазалар билдирилган.

“Менимча, роппа-роса 100 йил кейин, яъни 2101 йилнинг октябрь ойида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида яна бир баҳс ўтказилса, унда албатта, “жаҳон адабиёти дурдоналари ўзбек китобхонлари учун ҳануз сирли синдиқлигича қолиб келмоқда”⁶¹ деган таъна айтилган бўларди. Бу табиий нарсас. Танқидчилик тобора янгиланиб борадиган фаолият тури. Шу боис йиллар силсиласи янгича қарашларни тақазо этади. Жаҳон адабиёти бир қанча асарларнинг жаъмул жаъми эмаски, бир чеккадан биттадан олиб

⁶¹ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. Т.: Фан, 2006. – Б. 84.

сандикдан чиқариб олиб, уч-тўрт йилда ҳаммасини ҳал қилиб чиқсанг. Жаҳон адабиёти-доимий равишда ҳаракатланиб, янги асарлар билан бойиб, кенгайиб борадиган жараён. Денгизни бир чеккадан хўплаб тугатиб бўлмаганидай, уни ҳам сипқориб охирига етиб бўлмайди. Бироқ, ундаги энг яхши асарлар ўзбек тилига таржима қилиниши керак, албатта. “Масаланинг энг қийин томони шундаки, бизда жаҳон адабиёти намуналарини иштиёк билан таржима қиладиган азаматлар бармоқ билан санокли экан. Ўзини улуғ намоянда, арбоб ҳисоблаб юрган одамлар-билмадим нима учун-таржимадан ўтдан кўркқандай кўрқишади, жуда нари борса, таржима қилиб беришни зиммаларига оладилар, кейин бутунлай ғойиб бўлиб кетадилар. Ваъда ҳам сувга уриб кетаверади ва бундан ҳеч ким ҳижолат ҳам бўлмайди. Яхши ҳамки, Қодир Мирмуҳамедов, Низом Комилов сингари “таржима борасида ит гўшти еган” фахрийларимиз бор экан, ўшаларнинг ёрдами билан “Жаҳон адабиёти” нинг куни ўтиб турибди. Адабиётнинг бундай аҳволи кишини ўйлантиради, албатта. Муаммо нимада, мутахассислар етишмовчилиги, журъатсизликми? Тўғри, тан олиш керак таржимашунослик муаллифдан катта маҳорат билан биргаликда, улкан тасаввурни ҳам талаб этади. У нафақат ўзининг ички “мен”и, шунингднк, асар муаллифининг “мен”ини ҳам очиб бериш керак. Менимча, масаланинг ечимини топишда “мактаб” яратиш масаласига яна бир бор қайтиш ўринли. Ўзбек адабиётининг келажаги ҳақида турли-туман, бир бирига зид фикрлар айтишга эҳтиёж йўқ бўлса керак-бир вақтлар устоз Абдула Қаҳҳор “ўзбек адабиёти келажагининг буюк бўлишига” ишонч билдирган эди. Гарчи бугун бу буюкликнинг ҳамма нишоналари аён бўлмаса-да, умумий ривожланиш тамойилларига қараб, адабиётимиз ана шу марра томон кетяпти дейиш мукин. Фақат бу буюкликни “бизда босилган ҳар бир асар, албатта, буюк асар бўлади, битта ҳам ўртамиёна ёки чала асар бўлмайди” деб англаш керак эмас. Ўртамиёна асарлар ҳам бўлаверади-фақат

уларга муносабат ўзгаради-жамият оқни оқ, қорани қора дейдиган замон келганида унинг адабиётида ҳам улугʻлик нишонлари пайдо бўлади...”⁶².

“Санъат ва адабиётдаги ўзгаришлар, хусусан, уларнинг ижтимоийлашуви бир ёки икки мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида рўй берган воқеалар билангина чекланиб қолмайди. У дунёдаги илғор халқларнинг маърифат даражаси билан ҳам чамбарчас боғлиқлиги, бу кишилиқ жамияти тараққиётдан келиб чиқувчи табиий ва қонуний ҳол эканлиги XX асрга келиб очиқ-ойдин кўзга ташланиб қолди...”⁶³.

Мазкур мақола энг муҳими ижодга ташқи омилларнинг нечоғлиқ боғлиқ эканлигини кўрсатиб берган. Маълумки, бир мамлакатнинг тараққий топиб, ривожланиши, унинг истисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий вав бошқа соҳаларда изчил такомиллашувида қўшни ва бошқа давлатлар билан ўзаро дўстлик алоқалари муҳим рол ўйнайди. Тарихдан ҳам барчамиз бирдек хабардормиз, қайсики давлат билан мулоқот йўлга қўйилар экан, албатта, унинг таъсири сезилади. Бу омиллардан чекланиб бўлмайди. Йўқса, бу ёпиқ эшиклар мамлакатига айлантириб қўяди. Мана шундай ўзгаришлар энг аввало иқтисодий, сиёсий омилларга бориб тақалса-да, бироқ маданий алоқаларда муҳим шаклини кўрсатади. Кадрлар алмашинуви натижасида дунёқараш ўзгаради, мана шундай олам янгиликларидан бохабар кадрлар билан мамлакат тарққиётини янада ўзгача тасаввур қиламиз. Бироқ, бу таъсирларнинг кейинги оқибатларини ўйлаш, муносабат шаклларини кўр-кўрона қўриб бўлмаслигини, фуқароларнинг, айниқса, ижодий қобилияти кенг қамровли ёшларни муҳим стратегик иммунитет билан тўйинтириш бош масала эканлигини, аввало, англаб етишимиз шарт. Мақолада шундай иқтибослар келтирилган. “XVIII аср охирларидан XIX асрнинг илк йилларига кириларкан, турк дунёси янги бир маданий қурилма билан юзма-юз келаётган эди. Ғарб, хусусан, Француз маданий ҳаётини XVIII асрнинг

⁶² Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 236.

⁶³ Ҳамдамов У. Шарқ шеъриятида ижтимоий фикр фикр такомилли // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 5-сон. – Б. 183.

бошларидан эътиборан тан ола бошлаган турк зиёлиси, бир тарафдан бу янги дунёда ўзи учун керакли бўлган илм ва техникага оид маълумотларни, иккинчи тарафдан эса француз инқилобини ҳозирлаган Ғарбнинг фикр оқимларини изма-из ўргандим. Бу йўлнинг очилишида Ғарб билан дипломатик алоқалар ўрнатилганининг аҳамияти катта бўлди. Бу ўзаро борди-келдилар турк маданий ҳаётига ва адабий дунёсига янги қадриятлар, янги адабий турлар ва хилма-хил санъат маҳсулотларини олиб келиб қўшаётган эди...»⁶⁴.

Шу ўринда сиёсий, ижтимоий ўзгаришларнинг адабий жараёнга таъсири, боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Турк олимнинг бу фикри XX аср ибтидосидаги Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётига тадбиқан ҳам бемалол айтилиши мумкин. Зеро шу даврдан бошлаб, Туркистоннинг Россия ҳамда бу борада ўзидан олдинроққа кетган Туркия, Озарбайжон, Татаристон халқлари билан алоқалари мустақамланаётган эди. Ўзаро алоқалар натижасида ҳаётимизга айрим янгиликлар кириб келганки, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий каби маърифатпарварлар ўша вақтдаёқ мазкур ўзгаришларни ёқлаб, ўз асарларида ифода этганлар. Бу эса ўзга халқларнинг маиший, маданий ҳаётидаги мақбул томонларни миллий ҳаёт ва миллий турмушга илғорлаб кетган халқлардан ўрганиш заруратини ҳис қилиш – адабиёт ва санъатдаги мақбул томонларни миллий ҳаёт ва миллий турмушга татбиқ этиш истаги туфайли юзага келади. Албатта, ижтимоий тартиблар ва маиший турмушда илғорлаб кетган халқлардан ўрганиш заруратини ҳис қилиш – адабиёт ва санъатдаги ижтимоийлашувнинг муҳим омилларидан бири, унга ташқи таъсир натижаси сифатида қаралиши керак. Адабиётимиз тарихида миллий уйғонишнинг маърифатпарварлик босқичи деб аталган бу даврда айнан шу омил устуворлик қилди. Мазкур омил нечоғли аҳамиятли бўлмасин, ўз ҳолича ижтимоий ва бадиий тафаккурда туб бурилишлар

⁶⁴Порлатир И. Янги турк шеърият // Жаҳон адабиёти. – 1998. – 4-сон. – Б.151.

ясашга қодир эмас. Айни пайтда, бу ўша туб бурилишларни юзага келишини тайёрлаган муҳим босқичдир. Мазкур пайтлардаги темир йўлнинг қурилиши жуда катта шукуҳга сабабчи бўлган. Чунончи, сиёсий-иқтисодий мақсадда қурилган темир йўлни, масалан, наманганлик шоир Иброт катта умид ва қувонч билан қарши олади:

Наманган аҳлига хўб бўлди, бир яхши замон келди,
Мурордоти халойиқ узра бир жону жаҳон келди,
Дема жону жаҳон, овқат учун бу халққа дон келди,
Дема дон, балки бунларга маишат узра нон келди,
Ажиб бир фоизли арзоқи инсоний вагон келди.

“Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳозир содир бўлаётган нарсалар шунчаки саноат инқилобига қараганда кўламлироқ, теранроқ ва муҳимроқ. Кўпгина мўътабар одамларнинг фикрига қараганда, ҳозирги давр оз эмас-кўп эмас, инсоният тарихидаги иккинчи буюк ҳудудни ташкил қилади. Ўзининг аҳамиятига кўра уни инсоният тарихидаги биринчи буюк ҳудуд билан, яъни инсониятнинг ёввойилик давридан цивилизацияга ўтиши билангина таққослаш мумкин...”⁶⁵.

Ўйлаб қаралса, айти шу каби инқилобий ҳодисалар ижтимоий фикрнинг шаклланишига туртки беради. Бу даврда кишилиқ жамияти учун қалб эҳтиёжи бирламчи эмас, балки, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар муҳим. Қачонки, моддият унсурлари тўлақонли ўз вазифасини бажарса, шундагина маънавий эҳтиёжлар, кўнгил хоҳиши ҳақиқатга айланади.

Бу даврда ана шу қалб эҳтиёжи ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Шу боис ижодий жараёнлар ҳам фақат реал ҳаётини ҳодисалар, янгиликларга асосланган эди.

Демакки, манфаатлар тўқнашуви юзага келган. Бу даврларда танқидчилик умумий кўринишларда номоён бўлган. Яъники, маълум бир объектнинг камчиликлари, хатоликлари қаламга олинган. Матбуот даставвал

⁶⁵ Порлатир И. Янги турк шеърини // Жаҳон адабиёти. — 1998. — 4-сон. — Б. 104.

айни шу асосга хизмат қилган. Бироқ кейинчалик мазкур ҳаётий воқеалик ривожланиб, айрим тўсиқларга учраганлигидан сўнг унинг шаклий кўринишларига мурожаат қилина бошланди. Яъники, эндиликда айтиш қийин бўлган мулоҳазалар учун восита – матбуот эканлиги, адабиётнинг турли кўринишларида мавзуга мурожаат қилиш, ифодалаш ва натижага эга бўлиш муҳимлиги бирламчи омилга айланди. Аммо, унинг мураккаб жиҳатлари мавжудлигини ҳар бир даврда алоҳида “хўрсиниш” билан тан олинган.

Ўзбек олими С.Мирвалиевнинг “асримизда ёзувчига осон бўлмай қолди”⁶⁶, дейиши замирида ҳам шу нарсa ётибди. Чунки тез янгиланиб, турланиб бораётган жамиятда бир хил кайфиятни тутиб олиш қийин кечади. Шеърият эса у ёки бу давр кайфияти инъикосидир. Шоир жамиятдаги муайян кайфиятга руҳий-психологик жиҳатдан мослашиб, 10-15 та шеър қоралаб улгурмасидан, атрофда ўзга янада янги шеъриятга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Нафақат, шеъриятда, балки, ушбу жараёни бевосита адабиётнинг барча жанрларига, соҳаларнинг тарққиётида ҳам бевосита эътироф этиш мумкин. Аммо, масаланинг туб негизи сифатида, эскилик қайсидир жиҳатлари билан янгиланишга туртки – асос бўлса, айрим ҳолатларда ундан мутлақо воз кечиш кераклигини тан олишимиз зарур. Адабий танқидчилик борасида ҳам бевосита, босиб ўтилган ҳар бир йўл мактаб вазифасини ўташи мумкинлигини унутмаслигимиз шарт. Қолаверса, танқиднинг мақсади ҳамиша бир йўналишга, яъни тафтиш қилинаётган объектнинг асл омилини юзага чиқаришдан иборат эканлигини ва бу жараён мавзу, масаланинг моҳиятига қараб такомиллашиб бориши мумкинлигини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз даркор.

Ҳатто, аср бошларидаёқ, Чўлпон, Ойбек, Боту каби шоирларнинг айрим шеърларини ўлкамизда эндигина куртак ёзаётган модернизм йўлидаги дастлабки изланишлар деб баҳолаш мумкин. Яъни асримиз бошидаёқ дунёда

⁶⁶ Мирвалиев С. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 148.

яхлит бир психологик майдон хосил бўлган эдики, унга кўра муштарак бир ҳаёт тарзи, муштарак кайфият, муштарак интилишлар юз бера бошлаганди.

Кўриниб турганидек, тараққиётнинг уст қадамлари сари илгарилар эканмиз, гап бу ўринда ҳам мамлакатлар ўртасида яхлит бир кайфиятнинг вужудга келиши ҳақида боряпти. Демак XIX аср аввалида Ўзбекистонда юз берган ижтимоий сиёсий, маънавий-психологик ўзгаришларнинг бир учи, умуман, дунёда кечаётган катта маъноли, кенг кўламли янгиланишларга бориб боғланади.

Ўз навбатида икки хонлик ва амирлик, шунингдек, чоризм томонидан давлат бошқаруви олиб борилган даврларда ҳам асосий эътибор айнан ижтимоий янгиланишлар, саноат тараққиёти, маҳсулот ишлар чиқариш ва бошқа иқтисодий, сиёсий омилларга боғлиқлиги билан белгиланган. Ижодий жараён мазкур муҳит асносида шаклланган.

“Мен”нинг намоён бўлиш шакллари хонлик даврида Умархон, Нодирабегим, Увайсий сиймоларида акс топади. Ушбу даврда асосан лиризм устунлик қилган. Публицистиканинг оғриқли жиҳатларининг барчаси лиризм шаклида ифодаланган. Матбуотнинг кўплаб жиҳатлари ўз ўрнини ижодий оламга бўшатиб берган.

Ҳар бир ижодкор ўзига хос бир олам. Ижодкор олами унинг ижодий йўли, услубини белгилайди. Бу услубнинг шаклланиши учун эса ижодкор тинимсиз изланиши, ҳузур ва ҳаловатидан воз кечиб, ўзини заҳматли ишга сафарбар этиши, вақти келганда, ўзидан кечиши талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, адабий танқидчилик жамият билан ҳамнафасликда олға силжийди. Ташқи муҳитда содир бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисанинг инъикоси беихтиёр ушбу соҳада ўз аксини топади. Қизиғи шундаки, адабиёт ижодий йўналиш ҳисобланса-да, унинг туб бурилишлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларнинг таъсирида юз беради. Танқидчилик мазкур жабҳаларга аниқлик, маълум бир тизимни шакллантириш, йўлга солишда муҳим ҳисобланади. Юқорида келтирилган

жамики инқилобий жараёнлар, янгиланишлар албатта, муносабат билдиришга ундайди, натижаси тафтиш қилинади. Адабий ривожланиш тенденциясига таъсир кўрсатаётган мазкур ҳолатлар танқидчилик фаолиятининг жамият билан узвийлигини янада такомиллаштиради.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЙ – БАДИЙ НАШРЛАРИДА ТАНҚИДЧИЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

3.1 Ҳозирги замон танқидчилигининг тараққиёт йўналишлари

“Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”⁶⁷.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 67-моддасида белгиланган мазкур Қонун оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳуқуқий асос таянчида қабул қилинган бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳам бу йўналишда дастуруламалдир.

Айниқса, илмий тадқиқотимизнинг бош масаласи бўлган танқидчилик борасида ҳам айтиш мумкин, шу манбаалар юксак куч, суянч вазифасини бажаради. Танқидчиликнинг тадрижий ривожланиш жараёнида – тарихи, бугуни, келажакка мустақам қадам ташлашида ушбу асос етакчидир.

Демак, ҳозирги замон танқидчилигининг тараққиёти ҳақида сўз юритар эканмиз, қайсидир маънода бугунги яратилаётган имкониятлар мамнун бўлиш ўринли.

Бироқ, масаланинг яна бир жиҳати шундаки, адабий танқидчилик фақат адабиёт атрофида бўлаётганлиги, бу борада матбуот тизимида етарлича муаммолар кўтарилмаётганлиги, матбуотнинг ёрутувчи – воситачи бўлиб қолаётганлиги энг оғриқли жиҳатлардандир.

Шу ўринда мустақиллик йилларида соҳа доирасида бўлиб ўтган туб ўзгаришлар хусусида айрим мулоҳазалар юритсак.

Истиқлол йиллари миллий адабий танқидчилигимиз тарихнинг алоҳида саҳифасини ташкил этади. Бу даврда тажрибали, мўйсафид мунаққидлар ўз

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 8.

ичларида узоқ йиллар сақлаб юрган дард-аламларини баралла айтдилар, кўнгилдаги барча гапларини тўкиб солдилар. Айни чоғда, узоқ йиллар мафкуравийлашган танқидлар ёзганини, ўз вақтида ички илмий қувватини намоён қила билмаганини мардона эътироф этган ва тавба-тазаррулар баён қилган мунаққидлар ҳам топилди. Истиқлол адабиётшуносларга ўз-ўзини тафтиш қилиш, аввал ёзганларини таҳрир этиш, ўтилган йўлларига бир назар ташлаш учун кенг имкон берди. Шу маънода жаҳон адабиётшунослигидаги илғор методлар, бадий асарга ёндашувнинг аввал кўрилмаган услублари адабий танқидчиликка кириб келди. Бадий асарни биографик, психологик ва структурал талқин қилиш жарёнлари кучайди. Умр бўйи адабий жараёнга, адабий баҳс-мунозараларга мутлақо бефарқ бўлмаган профессор У.Норматовнинг “Ўтилган йилнинг баъзи сабоқлари” номли мақоласида шундай муҳим фикрларни ёзади: “...бугунги кунда янги бадий жараёнларни эскича қарашлар орқали англаш, эскирган мезонлар билан баҳолаш мумкин эмас.

Сўз санъати – ўз номи билан санъат, нафосат олами! Нафосат олами эса дағалликни, қўполликни кўтармайди. Шоир айтмоқчи, ҳозир замоннинг, чархнинг авзои ўзгача, эндиликда дўқ-пўписалар, дағдағалар билан илмий-иждоий изланишларнинг йўлини тўсиб бўлмайди”⁶⁸.

XX аср охири чорагида С.Содиқ, Й.Солижонов, Б.Саримсоқов, Қ.Йўлдошев каби муайян тажрибага эга ва Ш.Ризаев, Д.Қуронов, С.Мелиев, Р.Қўчқор, А.Улуғов, И.Ҳасан, М.Қаршибой, М.Намоз, М.Олимов каби нисбатан ёш олимларнинг матбуотдаги жиддий чиқишлари адабий-илмий жамоатчиликнинг диққат –эътиборига тушди.

Бу истеъдодлар адабий жараён ва XX аср ўзбек адабиётига, адабиёт тарихини даврлаштириш ва адабий-назарий концепцияни янгилашга, шунингдек, адабиёт тарихни миллий тамойиллар асосида қайта ёзишга доир жуда муҳим масалаларни кўтариб чиқдилар.

⁶⁸ Норматов У. Қодирий абадияти // Жаҳон адабиёти. – 2010. – 3-сон. – Б. 188.

“Аслида танқидчининг юки енгил эмас. Буни англаш керак. Чунки бирорта кимса умрини, ижодий фаолиятини елга совуришни истамайди. Бемаъни, тубан “асар”ларни дам-бадам дўппини ҳидлаб ўқиш ва сўнгра “ёзғувчи”ни савалаш – ниҳоятда мушкул иш. Асарни биров ўқимаса – бу фожеа, бу маънавий ҳалокат. Айнан шу ўринда ҳалокатга учраган бадиий асарга оид танқидий мақоланинг ҳам умри тугайди. Аслида санъат дурдоналари ҳақидаги ҳар қандай адабий-танқидий мақола ўша бадиий асарлар билан ёнма-ён яшайди. Танқидчилик савияси кўп ҳолларда бадиий асарларга боғлиқ бўлади. Агар қалбга завқ, фикрга қувват бердиган бетакрор, гўзал ва умрбоқий асарлар ёзилмаса, адабий танқид ҳаракатдан тўхтайди. Чунки поэтик руҳиятсиз, “воқеанома” асарни тинимсиз танқид қилиш – самарасиз иш...”⁶⁹.

Маълумки, XX аср аввалида пайдо бўлган ўзбек матбуоти танқидчиликни оммалаштирди; бадиий ижод, адабий танқид моҳиятини, мақсад ва вазифаларини тушунтириш йўлида хизмат қилади. “Имконият надур?”, “Адабиёт надур?”, “Театр надур?” каби саволлар ёнида “Танқид надур?” деган хитоб пайдо бўлди ва унга имкон даражасида жавоб ҳам берилди. Жадид зиёлиларидан бири Олимжон Иброҳимов: “танқид –ўтқир бир харжар бўлмоғи керак. Бу ханжарнинг бир ёғи асарнинг ичидаги жавоҳиротини қазиб чиқарса, иккинчи ёғи унинг пуч ва чирикларини топиб кўрсатадур”⁷⁰, дейди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида бир қатор ёшларнинг ёзаётган мақолалари, айнан назарий асосининг теранлашаётгани, фикрлаш кўламининг кенгайиб бораётгани билан кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

⁶⁹ Ўзбек адабий танқиди антология. – Т.: Турон Иқбол, 2011. – Б. 95.

⁷⁰ Ўзбек адабий танқиди антология. – Т.: Турон Иқбол, 2011. – Б. 47.

Хуллас, ўзбек адабий танқидчилиги ҳақида гап борар экан, энг аввало бир асрлик узун йўлидаги барча манбалар, адабий – танқидий мақолалар ўқиб кўрилиши, таққосланиши, улардаги ютуқ ва камчиликлар англаниши ва улар устида муҳокама, мулоҳаза юритилиши лозим.

Мамлакатимиздаги бошқа адабий-бадий нашрлар қаторида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Театр” журналлари ҳам юрт тарихида ўзининг жасоратли ва матонатли юришлари билан ўчмас из қолдирган. Буни нашрларнинг саҳифаларида эълон қилинган ишонарли ва муҳим материалларни дадиллик билан ва кенг кўламда чоп эта бошлаганидан кўриш мумкин.

Ортиқбой Абдуллаевнинг “Бадий таҳлил жилолари” мақоласида филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расуловнинг ижодий, илмий изланишларига баҳо берилади. Албатта, мақола юзасидан асосан ижобий хулосалар, устознинг ютуқлари, бугунги кунда ҳар бир илм кишиси учун устоз яратган мактаб асос эканлиги борасида мулоҳазалар юритилган.

Менимча, олимнинг мазкур хусусиятларини зийрак китобхонлар жуда яхши билади. Шу боис мақолада Абдуғафур Расуловнинг бугунги саодатга эришувида туртки бўлган машаққатлари, мунаққид сифатидаги ютуқларининг омиллари келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда мақоланинг айрим ўринларига мурожаат қилсак:

“Айниқса, олим устози, атоқли олимлар Матёкуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов ҳақидаги адабий портрет-тақриз ва мақолаларида олим ива шахсга хос ижобий фазилатлари, шогирд ва дўстига бўлган эътиқодини намоён қилади. Ундан ташқари XX аср ўзбек адабиётининг шонли йўллари, бу давр адабиётидаги баланд-пастликлар, ижодий ютуқ ва кўз юмиб бўлмас камчиликлар, адабий танқидчиликнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган ўндан ортиқ китоб, 430 дан ортиқ илмий-танқидий мақола, ўндан ортиқ монография ва дарсликларда олимнинг

илмий салоҳияти, ўзига хос мушоҳада-мулоҳазалари, ижодкорга эос индивидуал услуби акс этган”⁷¹.

Ўқувчи учун рақамлар иккиламчи масала. Муҳими мунаққиднинг “қиёфаси” муҳимдир. Аммо, муаллиф айти шу жиҳатларга эътибор қаратмаган.

Маълумки, бадиий асарнинг жони, асосий қурилмаси, китобхоннинг эстетик-маънавий оламини бойитадиган таянч воситаси матн орқали амалга оширилади. Ҳақиқий адабий-бадиий матн-ўзига хос бетакрор қурилма. Унда адиб услуби, истеъдоди, интеллектуал даражаси акс этади. Чин адабий матн-маънолар хазинаси, пишиқ-пухта тўқилган мато мисоли. Матн бир неча қатламлардан иборатки, китобхон, талқинчи ўз имконияти даражасида шу қатламларни забт этади.

Олимнинг ҳар бир ижод намунасига назар ташлайдиган бўлсак, ундаги сўз санъати гўзалликларини ҳис қилиш, асарни умуминсоний тамойиллар ва миллий мезонлар асосида идрок этишга алоҳида эътибор берилган. Мунаққид ҳар бир асарига жаҳон адабий-назарий қарашлари нуқтайи назаридан ёндашади. Айниқса, ғарб назарий тамойиллари, эстетик, фалсафий дунёқарашининг шарқ бадиатига синтезлашувижараёнини тирик сўз, бадиий матн талқини орқали кўрсатилади. “Катарсис, герменевтика, зурафо, илми ғариба, аҳли дарк, шарҳ, медиум, каолокогот, ўзлаштириш эстетикаси, рецептив эстетика каби тушунчалар замирига чуқурроқ киради, мазкур тушунчалардан назарий умумлашмалар чиқаради. Уларни замонавий адабиётга сингиб, умумистеъмолга кириб кетиши сабабларини шарҳлайди.

Олимнинг мазкур китоби уч бобдан иборат бўлиб, унда “Ўзлаштириш эстетикаси ва талқин тадрижи”, “Талқиний ёндашувлар ёхуд мақсадли таҳлил”, “Талқиний жараён: таҳлил йўллари, мақсад ва вазифалари” каби мавзулар қамраб олиниб, улар ҳам ўз ичида бир неча фаслларга бўлинади.

⁷¹ Абдуллаев О. Бадиий таҳлил жилolari // Жаҳон адабиёти. – 2011. – Б. 187.

“Атоқли олим, марҳум академик Матёқуб Қўшжонов бу асарни юқори даражада эътироф этган ҳолда “....Расулов тадқиқотининг қиммати шундаки, у адабий танқиднинг назариясини яратди”, дейди”⁷².

Мунаққиднинг ҳар бир асари кучли илмий асосда қурилган. “Танқид, талқин, баҳолаш” асари ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилигининг ноёб илмий кашфиётларидан бири саналади. Ушбу асар адабий танқид ва унинг назарий тамойиллари ёритилган, илмий-бадий жиҳатдан тўлиқ асосланган қимматли манбаадир.

Истеъдод соҳиби инсон руҳи, маънавиятидаги янгиликларни вақтида кўра олиши, асарларида акс эттира олиши муҳим аҳамиятга эга. Ижодкор бадият оламини чуқур ҳис қила олсагина ўрганаётган манбасининг, асаринг бутун ички жиҳатларини тушунади, қалбан бирлашиб муносабатга кириша олади.

Шуниси қизиқки, мунаққид ҳам ўрганаётган объектини икки ҳолатда таҳлил этади:

1. “Ўрганилаётган объектини ўзиники сингари “суюб”, қачилигини ҳам эркалаб айта олиш, асарнинг қалбини тушуниб, ижодкорнинг нима демоқчи эканлигини, ўз қарашлари нуқтайи назаридан ва маълум тизимлар асосида ўрганиб, муносабат билдириш;
2. Яна бир ҳолат объектга нисбатан ҳеч бир туйғу уйғонмаслиги, яъни таҳлилнинг қуруқлашиб бориши билан изоҳланади. Бу ҳолат қачон юзага келади. Қачонки, мунаққид асарга шунчаки, таҳлил керак бўлганлиги учун ёндошса ёки асардан таъсирлана олмаса;
3. Аммо, истисно тарзида танқидчи ҳар қандай вазиятда ҳам қандай асар бўлишидан қатъий назар ўзининг мутахассислик муносабатини билдириши керак⁷³. Бу унинг вазифасидир”.

⁷² Абдуллаев О. Бадиий таҳлил жилолари // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 2-сон. – Б. 187.

⁷³ Ўзбек адабий танқиди антология. – Т.: Турон Иқбол, 2011. – Б.83.

Мунаққид инсон табиатидаги янгиликларни илғаб олиши, чуқур идрок қилиб, қалб ва ақл чиғириғидан ўтказиб, мазкур ҳолатларни ўз қаҳрамони шуурига сингдира олса, асарнинг мангу яшаш мақсадини таъминлаган бўлади. Мангу яшаш сирини ўзида жамлаган асар бадиий мукамаллик касб этиши учун аввало, ҳаётдаги янгиликларни ўзига сингдириши керак. Қолаверса, мангу асар яратишнинг асл истеъдодларгина тушунадиган ички мустаҳкам метин қоидалари бўлади. Бу асар структурасида, характер яратиш жараёнида кўринади.

Бугунги куннинг танқидчиси – асарни ўз табиатига қараб танлайди, таҳлил қилади. Бунинг учун маълум чегара, қолип йўқ. Олим ижодкор кўзлаган бадиий ғояни англаб етса, асар табиатидаги яширин маънолар, сирли қочиримлар, санъат гўзалликларини юзага чиқара олса, кўрсата олса бас.

“Бадиий асарни яхлит бир система сифатида объект майдонига айлантириш, уни структурал харитасини ўрганиш, асар матнидаги турли сирли маънолар, семиотик ишораларнинг қат-қатига кириш, тирик сўзнинг ҳар бир хужайрасигача текшириш структурализм методининг мақсад-моҳияти, асосий йўналишини белгилар экан, А.Расулов бу методнинг имкониятларини турли адиблар асарлари орқали кўрсатиб беради. Олим ғарб ва шарқ адабий имкониятларини турли асарлари орқали кенг қамровли изоҳлайди. Айниқса, шарқ адабиётшунослигида мавжуд бўлган изоҳ, шарҳ, тафсир, талқин, таъвил, маноқиб ва тазкираларни ғарбдаги назарий тамойиллар – асар матнини назарий жиҳатдан текширадиган-геменевтика, аксиология, интерпретация, биография сингари илмий истилоҳлар билан қиёслайди. Ҳар бир истилоҳнинг ўзига хослиги, бетакрор табиатини кўрсатиб беради”⁷⁴.

Ижодкорнинг кўплаб китоблари ўз мухлисига эга. Ундаги ҳар бир фикрдан улкан куч олади, китобхон. Унинг сўзларининг маржон сингари

⁷⁴ Абдуллаев О. Бадиий таҳлил жилолари // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 2-сон. – Б. 189.

маънолар негизда жам бўлганлиги ўқувчи қалбига сурур, маънавий қувват беради.

Абдуғафур Расулов – етук нафосатшунос. У ҳаётдаги гўазалликларни нозик илғайди, тез фаҳмлайди. У “Шеър қолур – шоир қолур” номли мақоласида атоқли сўз заргари Эркин Воҳидовнинг бетакрор ижодий оламини талқин, таҳлил қилади. Ҳар бир шеърдаги иборалар, сатрлар катида силқиб ётган маъно нозикликлари, сирли ташбеҳларни топади.

“Бадиийлик – безавол янгилик” китобида адабиётимиздаги янгиликлар, ижодий изланишлар ва янгиланишлар моҳиятини ўзида акс эттиргани сабабли ҳам шуҳрат қозонди. Мазкур китобда Абдулла Қодирий, Озод Шарафиддинов, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров, Матёқуб Қўшжонов, Ўткир Ҳошимов, Ҳайридин Султонов, Тоғай Мурод сингари адибларнинг ижоди ҳақида билдирилган чуқур мулоҳазалар, ҳаётий ва бадиий мантиқ қоидаларига мос тушадиган талқин ва хулосалар ҳозирги ўзбек адабиётшунослигидаги эътирофга сазовор тадқиқотлардан саналади. Бу мақолаларда олимнинг ўзига хос дунёқараши, тадқиқотчилик маҳорати, зукко адабиётшунос, нозик нафосатшуносга хос эстетик идеали, талабчан, илмий-ижодий мезонлари яққол кўзга ташланиб туради.

Айтиш жоизки, мазкур тўпламдан мунаққиднинг матбуотда чоп этилган энг сара материаллари ўрин олган.

Шунингдек, мунаққид адабий-танқидий мақолаларини “Бетакрор ўзлик” китобида саралаган. Олимнинг инсоний фазилатларидан бири сифатида унинг ҳар бир масалага аввало оддий ўқувчи сифатида муносабатда бўлиши унинг энг катта ютуғидир. Китобхон сингари асардан лаззатланади, қалб кечинмаларини изҳор этади, туйғуларини ифодалайди, ҳаяжонини яширмайди, аксинча ҳолатларида кўнгил оғриқларини ҳам ошқора таҳлиллар асосида кўрсатиб беради. Шундан сўнггина танқидчи сифатида илмий таҳлилни олиб борар, бунда унинг кескин фикрларини, ўткир нигоҳининг таъсирини сезиш қийин эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абдуғафур Расуловнинг адабиётшунослигимиз ва замонавий танқидчилигимизнинг эртанги келажаги, ёрқин истиқболни белгилайдиган мазкур асарлари юксак илмий савияси, қўйилаётган муаммоларнинг долзарблиги, услубий хусусиятлари, назарий-методологик асоси билан алоҳида ажралиб туради. Бу асарлар ёшлар қалбида илм ва маърифатга, истиқлолга, санъат ва адабиётга бўлган муҳаббатни кучайтириб, уларнинг бадиий адабиёт, муқаддас сўз, азиз ва азалий кадриятларимизга садоқат туйғусини мустаҳкамлайди.

Нўъмон Раҳимжоновнинг “Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал..” мақоласи дарға журнал “Жаҳон адабиёти” дан ўрин олган.

Шеърят нозик интимлар асосида юзага келадиган ижодий жараёндир. Унинг насрий йўналишдан фарқланувчи жиҳатлари кўп. Айниқса, Рауф Парфи ижоди модернизм гўзалликларини ўзида акс эттирганлиги ва янгича нафаси билан алоҳида ваққумни ташкил этади. Муаллиф шоирнингайни шу жиҳатларини назардан қочирган.

Биламиз, танқидчилик ўзбек шеърятининг XX асрнинг 60–йилларида оддийлик, соддалик, самимийлик сингари аломатларини бадиатнинг муҳим хусусиятлари сифатида қайд этган эди. Лекин, бу мезон шеърятимизнинг мазкур даври ривож учун хос етакчи хусусиятларни ўзида тўла акс эттирмайди. Рауф Парфи шундай мулоҳазаларини билдиради: ”Шеърят фикран ботинийлиги туфайли ўзида жамиятга қарши танқид уруғини асрай олади. У ҳамма замонларда ўз билганидан қолмай, ҳақ сўзни айтишнинг турли йўллари топилиб, биз унинг овозини доим эшитиб турдик”⁷⁵.

Англашиляптики, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш ўзбек шеъряти тараққиётининг барча давлари учун ҳам бош хусусият бўлиб келган. Лекин унга эришиш йўллари кўп, усуллари ниҳоятда хилма-хил. Хусусан, мажозий образлилик ҳақ сўзни айтиш, воқеликни реалистик идрок этиш шакллари билан бириктирилади. Р. Парфи таъбири билан айтганда, шоирни

⁷⁵ Раҳимжонов Н. Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал... // Жаҳон адабиёти. – 2010. – 6-сон. – Б.150.

куйлатган ҳазрати инсон. Унинг ҳаққи-ҳуқуқлари-шеъриятнинг ҳам ҳаққи-ҳуқуқларидир. Жаҳолатнинг рангларини, зулмнинг маъносини, адолатсизликнинг сирти шакар, ботини заҳар табиатини образлар тилига кўчирган тимсоллар билан йўғрилган реализм Рауф Парфи ижодий индивидуаллигини тайин этади.

Ўтган асрнинг 80–йиллари ўзбек танқидчилигида бадиий тафаккурининг ушбу кўриниши моҳиятини тушунмасликданми ёки тушунишни истамаганликданми, писандали “Шоир нима демоқчи, шеър нима деяпти” қабiliдаги мақолалар ҳам юзага келди. Уларда айрим ёш шоирлар шеърларидаги бадиий шартлиликни, мажозий образларни, рамзларни Ғарбга тақлидчиликда, ўта мураккаблик ва мавҳумликка йўйиш расм бўлди. Тимсолли образлар сарбастдаги изланишларида ёрқинроқ тажассум топгани туфайли уларни Ғарб шеъриятига тақлид дея тушунишди. Ваҳоланки, маълум бўлишича, шеърнинг бу шакли аввалги минг йилликда мўйсафид Шарқнинг қадимий битикларидаёқ мавжуд экан. Ушбу ҳодиса, айрим танқидчилар айтганидек Ғарб ва Лотин Америкаси адабиётига тақлид эмас, аксинча, эстетик таъсир самараси ўлароқ юзага келди. Шу боисдан ҳам шоир бу ёзувчилар ўзимиз англамаган ўзимизникини топади. Бу борада матбуотнинг сара нашрлари энг муҳим воситачидир.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Жаҳон адабиёти” ва “Театр” журналларинингнинг чиқа бошлаганига ҳам неча йиллар бўлди. Ушбу нашрлар доимо ижодкорларнинг йўлдоши бўлишга интилди.

Адабиётимиз тарихида сўнмас из қолдирган кўпгина асарлар дастлаб анашу рўзномамиз саҳифаларида кўрмана қилинди. Унинг саҳифаларида адабий жараёнга боғлиқ турли баҳсу мунозаралар босилди. Давр қанчалик мураккаб бўлмасин, адолатни тайин этиш мақсадида ҳалқ ва миллат манфаатини қўзловчи асарлар қўллаб-қувватланди.

Газета, журнал саҳифаларида жаҳон адабиётидаги янгиликлар билан ҳам баҳоли қудрат таништириб борилди. Албатта, бу нашрлар адабиётимиз

ва маданиятимизнинг кўзгуси сифатида профессионал ижодкорларга мўлжалланган. Лекин у айтишича, адабиётнинг кенг ихлосмандлари учун кизиқиб ўқиладиган матбаага айланди.

Ёзувчилар даврнинг кўзи, кулоғи дейишади. Бу тўғри гап. Халқнинг тили учидан турган саволу муаммоларни, дардларни одатда адиблар биринчи бўлиб ўртага ташлайдилар. Булар, масалан, тил, маданият, экология ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундай мавзулар ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Нашрлар уларни ёритишда ҳозиржавоб бўлишга интилади, иложи борида зиёлилар шуурида мустақиллик туйғуларини уйғотиш ва шакллантиришга ҳаракат қилганини эътироф этишимиз керак. Нимани ёзиш, қандай ёзиш, баҳс маданияти, таҳрир санъати, “ўқувчи”лар билан мулоқат каби масалаларда доимо муаллифларга кўмакдош бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Нимани ёзиш эмас, нимани ёзмаслик, имкони борида ёзмай туриш масъулиятини ҳам ўргатишга ҳаракат қилади ва шунинг баробарида, адабиётни, публицистикани эҳтиётлаб келади. Адабиёт олами янгиликларининг ҳушёр назоратчиси сифатида жаҳон адабиётини кузатиб борган, унинг рангини ҳосилларини ўзбек муштарийларига биринчилардан бўлиб тақдим этган фаол нашр ҳам айнан шу газета ва журналлардир.

Адабиёт ва санъатда ҳақиқий истеъдодларга кенг йўл очиш, айтишича, вақтда мағзи пуч, юзаки асарларнинг танқидий баҳосини бериш, ижод даҳосини қалбакичиликдан пок сақлаш масалалари ҳам йиллар давомида газетанинг диққат марказида бўлиб келди.

Шу ўринда мазкур уч нашрнинг ўзига хосликлари:

1. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ҳафта мобайнида журналларга нисбатан тезкорлиги, танқидий материалларнинг кўплаб бериб бориши билан ажаралиб туради.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Хунбузар” сарлавҳали танқидий асари ҳам шу газетада чоп этилди ва бу иш таҳририятдан жуда катта журъат талаб қилди.

Чунки адолатли танқидни кўтара олмайдиган мустабид кучлар газетага жуда каттиқ тазйиқ ўтказиб, маъмурий чоралар кўришгача борди.

“Бундан 50 йил муқаддам маданият масалаларига бағишланган махсус газета чиқа бошлагани бизнинг авлод учун чинаккан қувончли воқеа бўлган эди. Чунки мустабид тузим миллатлар ва тилларни қўшиб юбориш сиёсатини олиб борган салкам қирқ йиллик даврда Ўзбекистондай йирик республикада миллий зиёлилар ўз она тилларида чоп этиладиган газетани чиқаришга руҳсат ололмай келар эдилар.

Бугун 50 йиллик олтин санани нишонлаётган кадрдон газетамизни миллий зиёлилар минбари деб атадик. Чинаккам миллатпарвар зиёли одам калб амри билан фаолият кўрсатадиган виждонли кишидир. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 50 йил мобайнида, аввало, мана шундай виждонли одамларнинг минбари бўлиб келди.”⁷⁶.

Газетанинг учинчи саҳифаси “Танқид ва адабиётшунослик” деб номланади. Унда бир қатор адабий ва танқидий мақолалар, бугунги кун адабиётига бўлган фикр-мулоҳазалар, адабиётимиздаги янгиликлар, қолаверса, бир қатор камчиликлар ҳақида батафсил ва кенгроқ материаллар бериб борилади.

Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Озод Шарафуддинов, Матёқуб Қўшжонов, Абдуғафур Расулов, Ҳафиз Абдусаматов, Собир Мирвалиев, Аҳмад Алиев ва улар билан бирга Иброҳим Ҳаққул, Маҳмуд Саъдий, Аҳмад Отабоев, Ортиқбой Абдуллаев, Амад Аъзам, Ҳамидулла Болтабоев, Нусратилла Жуманхўжа, Нажмиддин Комилов, Низомиддин Маҳмудов, Раҳимжон Отаев, Маҳкам Маҳмудов, Яшар Қосимов, Акрам Каттабеков, Нўмон Раҳимжонов, Бахтиёр Назаров сингари кўпгина адабиётни севган, таҳлилларида ўлмас қадриятларга суянадиган истеъдодли адабиётшунос ва мунаққидлар газета орқали фикр майдонини қизитишган.

⁷⁶ Қодиров П. Миллатпарвар зиёлилар минбари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2006. – 19 февраль. – Б. 3.

2. “Жаҳон адабиёти” журнали эълон қилинаётган материалларининг залвори билан эътирофга лойиқ. Аммо, “Адабий танқид” рукни бармоқ билан санокли. Нима учун журналнинг ҳар бир сониди бериб борилмайди. Танқид йўқ дейишга эса баҳона ишончли эмас.

Мазкур нашр мамлакатимиз тақдирида суронли даврлардан ўтиб, мустақилликка эришган чоғимизда яна бир поғонага кўтарилди, десак хато бўлмайди. Шу йилларда ижодкор сифатида ўзини таниган ва ҳурмат қилган ҳар бир қалам аҳли, санъаткор ва маданият ходимлари журнал саҳифаларида бирон муҳим мақола билан чиқишга шошилдилар.

Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Иброҳим Ғафуров, Ҳалима Худойбердиева, Мирзо Кенжабек, Карим Баҳриев, Маҳмуд Саъдинов, Аҳмад Отабоев, Шавкат Раҳмон, Нурали Қобул, Усмон Азим, Йўлдош Сулаймон, Қўчқор Норқобил, Умарали Норматов, Озод Шарафуддинов, Ғайбулла Саломов каби юзлаб шоир ва адиблар, адабиётшунослар, тилшунос олимлар, таржимон ва мунаққидлар давр ва ижтимоий ҳаёт нафасини берувчи долзарб мавзудаги мақолалари билан журнал саҳифаларини янада бойитдилар.

Дарға алломаларимиз Озод Шарафуддинов ва Матёқуб Қўшжоновларнинг адабиётимиздаги айрим салбий ҳодисаларга қарши мардона курашиб ёзган ўткир танқидий мақолалари ҳозиргача адабий жамоатчилик томонидан доим илиқ сўзлар билан эслаб юрилади.

Алибек Рустамов, Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ваҳоб Раҳмонов, Ботирхон Акрам, Исматулла Абдуллаев, Омонулла Валихонов кабилар мумтоз меросимизни ўқиш ва янгича тушунишнинг илмий-назарий, методологик меъёрлари устида баҳс юритишган. Наим Каримов, Шерали Турдиев, Бойбўта Дўстқораев, Сайди Умиров, Сирожиддин Аҳмад, Бегали Қосимов, Ғайбулла Саломовлар маданиятимизни ёруғликка олиб чиқишда чинаккам фидойилик кўрсатганлар.

3. “Театр” журнали биз юқорида тилга олганимиздек, энг мардонавор устуворликка эга. Унда танқидий баҳслар курашувчанлиги, яшовчанлиги ва аҳамиятлилиги билан таҳсинга сазовор.

Мақолаларда чуқур ва ўринли таҳлил, баҳс ва мунозараларда асосли танқид, йўналишлар изчил тушунтирилиб борилади. Сарлавҳа ва рукнлардаги ўзига хослик, муаллиф маҳорати ва таҳрир санъати муштарий эътиборини беихтиёр сарғайган саҳифалар ичига тортиб кетади ва унинг ишончини оқлайди ҳам.

Айниқса, санъат йўналишидаги танқид ва унинг жанговорлиги, илғор ғояларни кўтариб чиқишига катта эътибор қаратган. Адабий танқид матбуот фаолиятининг жон томири – озиқ томирига айланган. Қўшиқчилик, матншунослик, кино, тил театр ҳақидаги баҳслар ҳали-ҳамон эсланади.

Таҳририят адабий, ижтимоий баҳслар олиб бораркан, яратилаётган бадиий асарларда ижтимоий ҳаракатчанлик, инсонни ижтимоий салмоқли ва қимматли хусусиятлари баробарида кўрсатиш талабларини изчил тарзда қўя билган.

3.2. Танқидчилик материалларининг танқидий таҳлили

“Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларшга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз”⁷⁷.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурамизни ҳар томонлама кучли шаклда ривожлантириш ҳар бир соҳадаги долзарб масалалардан бирига

⁷⁷ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 28.

айланди. Шу маънода бошқа йўналишлар сингари санъатимиз равнақи йўлида ҳам қатор изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, долзарб масала сифатида миллий санъатимиз руҳиятини кўтариш, яратилаётган асарларда ўзбек характери ифодалаш, унинг ноёб унсурларини топа билиш, ўз навбатида ушбу ижод наъмуналари дунё ҳамжамиятида ҳам ўз сўзини айтиши кераклиги муҳим босқичга кўтарилмоқда.

Табиий савол туғилади, қатор турган мазкур масалалар юзасидан қандай илмий, амалий фаолият олиб бориш мумкин. Ечим қаерада?

Тан олиш керак, мамлакатимизда ҳар бир тизимда айтишга арзигулик қадамлар ташланмоқда. Санъат, адабиёт йўналишларида ҳам. Мутахассислар томонидан олдинга қўйилган мақсад, вазифа, йўналишлар-ҳаммаси аниқ ва равшан. Ҳаракатлар ҳам шунга монанд. Оқсоқлик эса масалага ўртамиёна қарашда. Қатор адабиётларда назария жуда муфассал келтирилади. Таҳлил шу қадар маромига етказиладики, мутолаа чоғида баъзан соҳа ривожининг келажагига жуда катта “иштаха”лар билан кўз тикамиз.

Филология фанлари доктори Ҳафиз Абдусаматов ушбу мақоласида айнан масалага тегишли бўлган қатор омилларга тўхталиб ўтган. Назарий манбаа сифатида Ўткир Шокировнинг “Ўзбек санъаткорлари” илмий-оммабоп китобини ўрганган. Муаллиф ўзбек театри намоёндаларининг ижро маҳоратини улкан ифтихор ила қаламга олади. Бу борада ҳатто, ижро этилган роллар бўйича ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради. Масалан, “Обид Жалилов ижро этган Солиҳбойни (“Бой ила хизматчи”) Олим Хўжаев ўйнаса бўлмайдими; Алишер Навоий образи Обид Жалилов талқинида қандай чиқаркан?...Биз уларни мухлислик қилган роллардан айро тасаввур қила оламиз-ми? Йўқ, нима учун шундай?”⁷⁸.

Инсон психологиясида дастлабки тасаввур ўчмас из қолдиради. У қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинади. Камчиликлари, ютуқлари билан, албатта.

⁷⁸ Абдусаматов Ҳ. Санъат синоати // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 4-сон. – Б. 8.

Шеърят инсоннинг нозик кечинмаларини ифодалаш учун энг мақбул восита саналади. Сатрларда ўзгача ҳарорат англашилади. Аини шу восита қисқа, аниқ сўз айта олиш, қалб изҳорларини тезкор етказишда ҳам бирламчидир.

Аммо, шеър ёзиш бу сўзларни шунчаки каторма-катор саф айлаш эмас, балки, моҳиятан шакл ва мазмунни бирлаштириш, узвийлигини таъминлашдир. Эндиликда, шеърят майдонига кириб келган ва келаётган ижодкорлар хусусида баҳс этмоқчи эмасмиз. Бу майдонда сўз айтмоқ борасида муносиб “мактаб” яратган, ўзига хос йўналиши билан адабий жараёнга катта бурилиш ясаган ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири – Абдулла Орипов ҳақида сўз юритамиз. Мақолада шоирнинг чуқур фалсафий қарашлари ўз аксини топган. Адабиётшунос Омонилла Мадаев шоир ижодининг энг гўзал қирраларини кашф этади. Бу албатта, адабиётшуноснинг ҳам ҳадсиз имкониятга эга эканлигидан далолат.

Адабиёт тафтишчиси бу ўринда муаллифнинг имкониятларини жуда юқори баҳолайди. Шоир ҳақида ўйлайманки ҳаммамиз етарлича тасаввурга эгамиз. Шу боис мақсадимиз мақола юзасидан танқидий баҳолар йўқлиги сабаб, ўзга бир омилга диққат қилмоқчимиз.

Яъники, Абдулла Ориповнинг танқидий қарашларига. Шоир ҳаётнинг оғриқларини жуда жўн ифодалайдики, танқидий эътирозлари ҳам ўқувчи томонидан “силлиққина” қабул қилинади.

Мақолада шундай ўринлар мавжуд:

“Инсоният маданияти тарихида Жулетта, Ромео, Отелло каби ажойиб қаҳрамонларни яратган Европа бугун бир жинсли никоҳ оғушига ботиб бормоқда. Даҳшатли фожиа яна шундан иборатки, дунёга таниқли айрим давлатлар бу фожиани қонунлаштирмоқдалар. Шоир бу мусибатни “Европа” шеърида мажозий тарзда жуда аниқ ва тушунарли изҳор этиш йўлини топган:

Хўроз хўроз билан ўтказса тўйин.

Буқалар бука деб ипини узса.

Бу қандай томоша, бу қандай ўйин,
Сигирлар сигирга кўзини сузса.....”⁷⁹.

Шоирда ўткир қараш, танқидий нигоҳ устувор. Унинг сатрларида жамиятнинг бор бўйини кўра олиш мумкин. Адабиётшунос ҳам ижодкорнинг айти шу топқирлигига алоҳида урғу беради. Шоирнинг фалсафий қарашлари аجدодларимизнинг асарларида ҳам ўзгача талқин этилганлигини мисоллар воситасида исботлайди.

“Ҳаёт ҳаёт-да, Гўрўғли туркумидаги дostonлардан бирида Гўрўғли Юнус паридан: “Бу дунёда сендан кўра гўзал аёл мендан кўра паҳлавон эркак ўтганми?”, деб сўраганида, Оға Юнус: “Бу дунёда мен чўриликка ҳам ярамайдиган парилар, сенинг кучингни чивинча ҳам билмайдиган алплар сонсиз ўтишган”, деб жавоб беради. Шоир оддий ҳаёт ҳақиқатидаги “бири кам дунё” ҳикмати шундай ифодалайди:

Кимдадир бойлик бор, камлик билмағай,

Лекин умри ўтар-тирноқнинг зори.

Мансаб дегани ҳам вафо қилмағай,

Вафо қилмагандек кимнингдир ёри”⁸⁰.

Абдулла Ориповнинг бу каби ижод наъмуналари денгиздай шошқин, уммондай бетиним. Ўйлаймизки, ижодкор бундай реал топилмалари, теран мулоҳазалари билан китобхоналарга улкан адабий мерос ҳозирламоқда.

Ушбу мақола танқидий мулоҳазага, муносабатга лойиқ эмас.

Мамлакатимизда санъат ва маданиятнинг мислсиз жонланиши, хусусан, кино ишлаб-чиқаришнинг янги, тезкор босқичи, бу борада махсус билимга эга, мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни кескин ошириб юборди. Кадрлар тайёрлаш жараёнида муаллимлар ва талабалар учун бирдек аҳамият

⁷⁹ Мадаев О. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – 2013. – 3 май. – Б. 3.

⁸⁰ Мадаев О. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2013. – 3 май. – Б. 3.

касб этадиган восита – дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва турли ўқув адабиётлари эканлиги ҳаммага маълум. Афсуски, сифатли, таълим-тарбия талабларига етарли даражада жавоб бера олувчи китоблар кам. Шу жиҳатдан таниқли ўзбек кинорежиссёри Баҳодир Аҳмедовнинг “Кино: маҳорат поғоналари” китоби алоҳида эътиборга молик.

Кино таълимига бевосита алоқадорликда ёзилган қисмларда эса, бадиий ижоднинг назарий асослари қисқа, аммо пухта адабий шаклда ўқувчи диққатини жалб қилади. Шу нуқтайи назардан “Муаллиф ҳақида сўз”, “кинорежиссура ҳақида суҳбат” деб номланган боблар Баҳодир Аҳмедовнинг нафақат таниқли кинорежиссёр, айтилиши вақтда санъатнинг назарий масалаларини чуқур таҳлил эта олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, китобда фақат кино учунгина эмас, балки бошқа санъатларга ҳам дахлдор долзарб масалалар борки, улардан айрим иқтибослар келтирилган.

“Тан олиш керакки, ижодкорлар тақдим этадиган материаллар ва сценарийларнинг ҳаммасида ҳам томошабинлар кутган ҳаяжонли воқеалар рўй беравермайди. Улар ичида сийқаси чиқб кетган сифатлар, оддий ҳаётда учраб турадиган оилавий машмашалар, совун кўпигидай тўхтовсиз кўпиртирса бўлаверадиган воқеалар ҳам бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетди...”⁸¹.

Мақолада китоб муаллифининг соҳа доирасидаги мулоҳазалари, режиссёр сифатида орттирган тажрибалари, илмий қарашлари мисоллар воситасида талқин ва мушоҳада қилинган. Режиссёрининг ютуғи шундаки, у ҳам амалиётчи, ҳам назарийчи бўлиб фаолият юриганлигидир. Шу боис жараёнларининг ички ва ташқи функцияларини ҳеч бир мураккабликсиз таҳлил этади.

Шунингдек, жуда кескин тортишувларга сабабчи бўлган мавзуларда фикрлар олиб борилган. Масалан, ҳар қандай буюк асар ҳам экранда ҳақиқий

⁸¹Исломов Т. Ижодкор ким? // Театр. – 2011. – 3-сон. – Б. 40.

фильмга айланиши мумкинми? Бу ниямларга боғлиқ? Роман ёки қиссани ҳамма кўрадиган, ҳақиқий томоша қиладиган кино тилига ўгириш, яхши киноасарга айлантириш ишини кимга ишониб топшириш мумкин? Бу қўйилган саволлар фақат кинода эмас театр ва телевидение учун ҳам жуда актуал.

Муаллиф талқинида яна қуйидаги мулоҳазалар ўз исботини кўрсатади. Китобнинг “Кинорежиссура ҳақида суҳбат” бобида бугунги санъат амалиётида кинодами, театрдами, телевидениедами, оммавий томошалардами тез-тез учраб турадиган типларни эслатувчи бир латифанамо, аммо ҳаққоний гапни келтиради: америкалик ажойиб актёр, режиссёр, драматург ва жамият арбоби Орсон Уоллес яратган “Фукаро Кейн”, “Чет эллик киши”, “Макбет” ва бошқа фильмлар энг яхши асарлардир. Бу инсоннинг режиссура ҳақидаги ажойиб бир фикрини эслатиб ўтмоқчиман: “режиссёрлик- бу бадиий ижоднинг шундай соҳасики, унда ўртамиёналик билан муваффақиятга эришиш осон. Биринчи қадам ташлабоқ, кейин режиссёрлик билан ўттиз йил шуғулланиш мумкин ва ҳеч ким , ҳаттоки, сиз исмингизни ҳам ёза олмаслигингизни билмайди. Сизга яхшигина сценарий беришади. Сиз эрталаб ишга келасиз ва ҳаммага “Салом” дейсиз. Сўнгра “Мотор”, “Стоп”, “Тезроқ”, “Секинроқ” сўзларини бир неча бор такрорлайсиз, ўзингизни сирлироқ кўрсатишга ҳаракат қиласиз ва ҳеч ким сизни ўз касбингиз соҳасида сариқ чақага арзимаслигини сезмайди ҳам. Бошқа бугундай касбни чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди”⁸².

Ушбу сўзлар негизада ҳам ифтихор, ҳам касбнинг машаққати мужассам. Режиссёрининг ўзи ўз фикрлари орқали соҳа юзасидан танқидий мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтган. Ундаги нозик томонларини кулгу остида беришга интилан.

Кейинги ўринларда ушбу фикрлар нечоғлиқ тўғри эканлиги яна бир қарра исботлаб ўтади. Чунки, тажрибали мутахассис сифатида кино

⁸² Исломов Т. Ижодкор ким?// Театр. 2011. – 3-сон. – Б. 41.

амалиётида бундай ҳолатлар ўз тасдиғини топаётганлиги кўп бора такрорлайди. Унинг яна бир танқидий мулоҳазаси кишини ўйлашга мажбурлайди. “Ўртамиёна” режиссёрлар эришган ютуқлар аслида соҳта эканлиги уларнинг тафаккур даражаси ижрочиларни бадиий дастур асосида бошқара олмаслигини билдиради.

Мақола режиссёрининг тавсиялари берилади. Энг муҳими ҳар қандай даврда ҳам ўқиш, ўрганиш, изланиш кераклиги асрлар ўтса ҳамки ўз мазмун-моҳиятини йўқотмайди. Аксинча тобора сайқаллашиб, таълим сифати асосий масалаларга айланиб бормоқда. Баҳодир Аҳмедов ҳам ўқиш, ҳам ўқиш санъатини эгаллаш кераклигини, улуғлар тажрибасига эҳтиромли муносабатда бўлиш, тинимсиз меҳнат ва камтарлик тушунчаларини илгари суриш кераклигини таъкидлайди. Шунда ҳаётнинг ўзи исталган манзилга олиб боришини ўзининг ҳаётий тажрибаси мисолида айтиб ўтади.

Албатта, ҳар қандай ишда бўлгани каби китобда камчиликлар йўқ эмас. Бу масалани ҳар бир китобхон ёки ҳамкасб ўзича ҳал этиши мумкин. Зотан, бадиий ижод муаммолар, айрим назарий қарашлар ҳар бир ижодкорда ўз ечимини топиши мумкин. Аммо, китобнинг умумий мазмуни, унда очиқ-ойдин қўйилган фикрлар замонавий экран санъати амалиётида муҳим ва долзарб аҳамиятга эгаллигини мазкур мақоланинг нозик нуқталаридан англаб олиш муқаррар.

“Маълумки, аввалги мунаққидлар кўпроқ адибнинг дунёқараши, синфий позицияси ҳақида баҳс юритганда ҳукмрон мафкура талабларидан четга чиқиб кетмасликка, адибнинг маҳорати, бадиий омили, қаҳрамонлари, санъаткорлик сирлари, жозибадор тили ҳақидаги барча мулоҳазаларни ана шу мустаҳкам “темир қозик” атрофида айлантиришга маҳкум этилган эдилар. Матёқуб Қўшжонов ҳам, Умарали Норматов ҳам ўз асарларида йўл қўйган хатоларини астойдил тан олиб, шундай ёзишга мажбур бўлганларидан афсусланиб, маданий зиёлига хос йўл тутгани ибратли фазилатдир...”⁸³.

⁸³ Абдуллаев О. Қодирий абадияти // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 2-сон. Б. 198.

Мақолада айти шу хатоликлар таҳлил қилиб берилган. Маълум бўлишича, Матёқуб Қўшжонов “Отабекнинг русларга қарши урушда ҳалок бўлиши реалистик далилланмаган бўлиб, бу ёзувчи дунёқарашидаги чекланишлардан келиб чиққандир”⁸⁴, деган мулоҳазаси хато эканлигини ва у мажбурият асосида ёзилганини самимий эътироф этади.

Умарали Норматовнинг дил иқрорида ҳам шундай рух устувор: “Баъзи адабиётшунослар ҳаққоний, юксак бадий, аммо ҳукмрон мафкура қолипига тушмайдиган нодир асарларини нима қилиб бўсада ҳимоя қилиш, халққа қайтариш, “замонага хизмат қилдири” мақсадида гоҳо “ҳийлайи шаъри” усуллари қўллашга мажбур бўлганлар, асардаги энг муҳим нуқталарни атайин четлаб ўтганлар ёки кўри кўрмасликка олганлар. Асарлардан социалистик мафкурага, социалистик реализм методи талабларига мос келадиган жиҳатларни топишга ҳаракат қилганлар. Шахсан мен ўзим ҳам 70 – йиллари “Ўткан кунлар” теварагида борган бу қутлуғ бадном қилиш учун болшанган мунозара чоғида... “Ўткан кунлар” “социалистик реализм асари” эканини, унда тарихни синфий тушуниш ваифода этиш мавжудлиги исботлашга уринганман. Ҳозирга келиб бунақа баҳслар ҳийла чучмал, бачкана кўринади. “Ўткан кунлар” ўшандай ҳимояларга муҳтож эмаслигини бугун ҳамма билади”⁸⁵, -деб ёзади.

Янги ўзбек насрининг тамал тошини қўйган буюк ёзувчи А.Қодирий ижоди мустабид тузум йилларида муносиб қадр ва эътибор топмагани бугун ҳаммага маълум. Адибнинг биринчи йирик асари-“Ўткан кунлар” деярли ҳар бир саводли ўзбек хонодонига кириб борган эди. Уни бутун халқ севиб, қўлма қўл ўқиган. Адибнинг шуҳрати 20 – йиллардаёқ туркий халқлар орасида кенг тарқалгани ҳақида маълумотлар бор. 20 – йилларда Тошкендаги Ўрта Осиё давлат унивеситетида ўқиган буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезо ва таниқли туркамани адиби Хидир Даряев, тожик ёзувчиси жалол иқромийларнинг мақола ва хотиралари бунга гувоҳлик беради.

⁸⁴ Норматов У. Қодирий абадияти // Жаҳон адабиёти. – 2010. – 3-сон. – Б. 197.

⁸⁵ Норматов У. Қодирий абадияти // Жаҳон адабиёти. – 2010. – 3-сон. Б. 196.

Айниқса, Мухтор оға “Ҳеч кутилмаганда саҳрода улкан тоғлар ўсиб чиққани каби 20–йилларда ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийнинг романлари пайдо бўлди ва ҳаммамизни ҳайратга солди”,- деб самимий эътироф этган. Қодирий ижоди ўзи учун улкан мактаб бўлганлигини тан олган эди. “Ўткан кунлар” 1928 йилда озарбайжон тилида, кейинроқ татар тилида нашр этилган. Машҳур олим Е. Э. Бертельс “Абдулла Қодирийни дунёда олтинчи ўринда турадиган ўзбек романчилик мактабининг асосчиси эди”⁸⁶, дея эътироф этган.....

“Ўткан кунлар” романи ўзининг нафақат бадиий салмоғи, балки, халқчиллиги, ўзбек менталитетининг, ўзбек характерининг асосий манбаси сифатида бардавомдир. Биз юқорида кўриб чиққан мақола асосида унинг таҳликали даврлардаги ўтмишидан воқиф бўлдик. Матбуотнинг кучи, таъсирини бугунгача қора соя солиб келаётганлигидан хабардор бўлдик. Аммо, шу ўринда кишини бир нарсга қувонтиради. Хатоликлар тузатиляпти, тан олинмоқда. Бунинг учун жуда улкан жасорат керак. Мақола ана шу ҳақиқати билан асосли. Заиф томони сифатида мақолага муаллиф ўз муносабатини билдирмаган. Аниқроғи фақатгина олимларнинг фикрларини далил сифатида келтирган холос. Чунки, “Ўткан кунлар” ҳақида барибир ҳар бир муаллифнинг хаттоки, оддий китобхоннинг ҳам фикри бўлиши табиий.

Аҳмаджон Мелибоевнинг “Қирқ бешинчи бекат” китобида қуйидагича мулоҳазалар билдирилган: “Бадиий адабиёт бозор муносабатларига мослашадими?”, деган мавзуда бир мақола ёзган эдим. Унга турли ижодкорлар муносабат билдирганлар. Хуршид Дўстмуҳаммад “бозор адабиёти”, “енгил асарлар” деган ибораларга қўшилмаслигини айтди. Омон Мухтор....Абдуқаюм Йўлдошнинг фикрича, оммабоплик – савия пасайишининг оммавий кўриниши. Шу фикр менга ёқди..”⁸⁷.

⁸⁶ Норматов У. Қодирий абадияти // Жаҳон адабиёти. – 2010. – 3-сон. – Б. 198.

⁸⁷ Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – Б. 8.

Муаллиф мулоҳазаларида ҳам шахсга, ҳам мақолага муносабат билдиради. Бу ижодкорнинг тажрибасидан далолат. Чунки, иккиёқлама қарашга шунчаки эришилмайди.

Бугунги кунда танқидий материалларнинг савиясини янада такомиллаштириш, жамият ва ҳаёт узвийлигини таъминлаган ҳолда етук ижод наъмуналарини матбуотда эълон қилишда албатта, устозларнинг босиб ўтган йўли дастуруламал вазифасини бажаради. Шу маънода Озод Шарафиддиновнинг бу соҳада кўп ва ҳўп ёзганлиги, ёзганда ҳам энг долзарб мавзуларда ижод қилганлиги, ушбу жараёнларнинг исботи сифатида “Ўзгаллик излаб” китобидаги “Адабий танқид муаммолари” бўлими, “Ҳақиқатга садоқат” асаридаги “Янги авлод тўлқини”, “Адабий танқид замон хизматида” сингари мақолалари ҳар бир ўқувчига юксак завқ бағишлайди, муносабат билдиришга ундайди. Юқорида келтирилган мақолалар ҳам айна шундай “манзил” да ҳаракатланаётган, ушбу мураккаб жараёнга сингиб кетишга интилаётган ижодкорларнинг мулоҳазали мақолаларидандир.

Аслида, ижод қилиб, унинг машаққатини ҳис этган инсонгина ушбу сирли дунёни тушунади. Шу маънода хулоса сифатида қуйидаги тақлифларни келтириб ўтишимиз ўринли:

- Аввало, мунаққид муносабат билдираётган мақолага ҳам мутахассис, ҳам ўқувчи, китобхон сифатида қараши, икки нуқтайи назар асосида муҳокама қилиши шарт;
- Шу ўринда ҳар икки қутбни бирлаштира олиши шарт;
- Шарқ ва ғарб мунаққидлари имкониятларини солиштирган ҳолда, уларнинг ижобий, услубий жиҳатларини амалда қўллаш ўринли;
- Танқидий муносабатнинг таҳлилий даражаларини келтириши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Адабий танқид адабиётнинг ўзи каби қадимий ва ҳамيشа навқирондир. Зеро бадиий асар борки, унинг талқинчиси ҳам мавжуд. Мумтоз адабиётшуносликда турлича номлар билан аталган адабий танқид XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида турли хил ички ва ташқи омиллар, ўзгаришлар натижасида профессионаллаша бошлади, адабий жараён билан узвий боғлиқликда шакллана борди. Асримиз бошларида асосий эътиборни ижодкорнинг поэтик маҳоратига қарата бошлаган танқид (В. Маҳмуд, А. Қодирий, Элбек, Боту) шўролар ҳукмронлиги даврида марксча-ленинча таълимот ва унинг ғояларини ифодалаган ҳоким мафкура манфаатларига хизмат қилишга маҳкум этилди. Бироқ мустабит тузум тазйиқларига қарамай бу даврда ҳам бадиий асарни поэтик маҳорат ва эстетик тамойиллар асосида баҳолаган адабий-танқидий мақолалар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Адабий-танқидий қарашларни, танқид тафаккурини янгилаб турадиган изланишлар шўро даврида ҳам бўлган. М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, Н. Худойберганов, И. Ғафуров, У. Норматов каби мунаққидларнинг шўро даврида яратган мақолаларида ҳам адабиётнинг долзарб муаммоларига эътибор қаратдилар. Бироқ том маънодаги янгиланиш мустақилликдан кейин амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим.

Ўтган асрнинг 80 – йиллари ва мустақиллик даврида адабий танқид янгиланиш йўлидан борди. Бу янгиланиш аввало танқидчи тафаккуридаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлди. Таназзулга юз тутган ва синфийликка асосланган эски дунёқараш ўрнига эркин фикрлайдиган, бадиий асарнинг моҳиятини матндан келиб чиқиб талқин этадиган янгича танқид тафаккури шакллана борди. У ўзининг ёндашув ва усулларини,

эстетик тамойилларини вужудга келтира бошлади. Бир сўз билан айтганда янги адабий танқиднинг методологик асослари яратила бошланди.

Бинобарин, вужудга келаётган янгича адабий танқид тамойилларини, унинг методологик асосларини бадиий асарни талқин этишдаги метод ва ёндашувларини бадиий эстетик мезонларини ўрганиш ва шу асосда янгиланаётган адабиётшунослик фани тараққиётига ҳисса қўшиш долзарб масалалардан биридир.

Айни ҳолат адабий танқид методологиясининг бадиий-эстетик асосини ташкил этиши илмий тезис сифатида белгиланди. Бу методологик асос илмий билишда ғоят муҳим ўринни эгаллайди. У бадиий асарни билишнинг умумий конун категориялари, таҳлил методлари билан адабий танқиднинг хусусий, специфик хусусиятларини, таҳлил усулларини бир-бирига уйғунлаштиришдан ташқари бадиий асарни талқин этишнинг бадиий-эстетик мезонларини илмий жиҳатдан асослаб беради. Тадқиқотда адабий танқид методологиясининг муҳим асосларидан бири сифатида илмий-назарий қарашлар белгиланди. Тадқиқотда адабий танқиднинг ижтимоий-сиёсий соҳаси сифатида бадиий асарни тадқиқ этишда унинг ўзига хос жиҳатларини, поэтик унсурларини ижодкорнинг маҳорати нуқтаи назаридан талқин этиш баробарида одам ва олам, шахс ва жамият ҳақидаги муносабатининг ҳам акс этиши қатор мисоллар билан кўрсатилади. Айни чоғда адабий танқиднинг ўзига хос фан эканлигини, унда илмий тафаккур билан бирга бадиий тафаккур ҳам ўзлигини намоён қилиши специфик ўзига хослигини белгиловчи омиллар сифатида қаралди. Тадқиқотда адабий танқиднинг янгиланиш жараёнлари, омиллари ва етакчи концепциялари, тамойилларига ҳам эътибор қаратилди. Бунда янги танқидни вужудга келтиришга хизмат қилган омиллар сифатида ички ва ташқи манбаларга эътибор қаратилди. Жумладан, ички омиллар деганда энг аввало танқидчи тафаккуридаги ўзгаришлар, дунёқараш, мунаққид маҳорати интуицияси, ўзлиги масаласига катта эътибор қаратилди, бу ҳал қилувчи

омиллар сифатида қайд этилди. Адабий танқидни янгиловчи ташқи омиллар ҳақида гапирилганда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар назарда тутилди. Шунингдек адабий жараёндаги янгиланишлар ҳам, яъни яратилаётган янги асарлар ҳам ташқи омил манбалари сифатида қайд этилди. Тадқиқотда бу жараёнлар ва чоп этилаётган мақолалардаги янгича йўналишлар атрофлича талқин этилди ва керакли хулосалар чиқарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, истиқлол даври танқидчилигининг мавзу кўлами нихоятда кенг бўлиб биргина маданий меросни қайта баҳолаш муаммоларига бағишланган изланишлар ҳам ғоят кенг қамровлидир. Жумладан, мумтоз адабиётимизни қайта баҳолаш муаммоси, XX аср адабиётини қайта баҳолаш муаммоси, адабиётимиз тарихида яшаб ижод этган атоқли сўз санъаткорларининг ижодини қайта баҳолаш муаммолари, истиқлол даври адабиётини баҳолаш масалаларида ҳам реализмга оид баҳс-мунозаралар, ўзбек романчилиги, мустақиллик даври шеърляти, қиссачилигига оид баҳс-мунозараларнинг ҳар бири танқид фаолиятининг алоҳида-алоҳида йўналишини ташкил этади. Буларнинг барчасини биргина тадқиқот доирасида қамраб олиш мушкул ва имконсиз. Шунингдек, тадқиқотда мустақиллик даври адабиёти ҳақидаги кузатишлардан модернизмга оид баҳс-мунозаралар тадқиқ этилди. Адабий танқиднинг модернизм ҳақидаги кузатишлари рус ва жаҳон адабиётшунослигидаги қарашлар билан қиёсан тадқиқ этилди ва керакли хулосалар чиқарилди. Ушбу кузатишлардан келиб чиқиб тадқиқотда қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Мустақиллик даври танқидчилигининг асосий концепцияси шўро даври танқидчилигидан тамоман фарқ қилиб шарқ фалсафасига хос бўлган инсонийлик тамойилларига асосланди.

2. Бу давр танқидчилиги фақат таҳлил усуллариинигина янгилаб қолмасдан ёндашувлар ва йўналишларни ҳам янгилади. Бунда холисликка объективликка, ҳаққонийликка том маънодаги эстетик мезонларга асосланди.

3. Адабий танқид ўз концепциясини янгилаш баробарида методологик асосларини ҳам тубдан янгилай бошлади. Адабий танқиднинг фалсафий, бадиий-эстетик ва илмий-назарий асослари том маънода диалектик қонун ва категорияларга асосланди.

4. Янги адабий танқиднинг вужудга келиши ва шаклланишида дунёқараш, танқид тафаккурининг ўрни ниҳоятда каттадир. Шу боис уни ички омил сифатида белгилаб янги танқидни вужудга келтирувчи манба сифатида эътироф этилди. Шунингдек ташқи омиллар ҳисобланган ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга катта эътибор қаратилди.

5. Асарларни баҳолашда биографик методга асосланildi. Яъни муайян асарнинг яратилиш жараёни ижодкорнинг ўша пайтдаги руҳий ҳолати, ҳаётида кечган ижтимоий, сиёсий воқеа-ҳодисалар, муносабатлар ва бошқа таъсирлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиб, яхлит талқин этиш тенденцияси кучайди.

6. Янги танқидда маданий меросни қайта баҳолаш жумладан, шўро даврида яшаб ижод этган ва унинг ғояларига маълум даражада хизмат қилган ижодкорлар ижодини баҳолашда инсонийлик тамойиллари бош мезон эканлиги таҳлиллар билан кўрсатилди. Улар ижодига оид баҳс-мунозаралар методологик ҳурфикрлилик (плюреализм) намунаси сифатида баҳоланди.

7. Адабий танқиднинг мустақиллик даври адабиёти ҳақидаги кузатишларидан модернизмга оид баҳс-мунозаралар алоҳида тамойил сифатида таҳлилга тортилди. Модернизмга оид баҳс-мунозараларнинг асосий йўналишлари жумладан, “модернизм” тушунчаси талқини, рус ва жаҳон адабиётшунослиги билан қиёсан ўрганилиб улар босиб ўтган йўлнинг ўзбек танқидчилиги ҳам ўтаётганлиги янгиланаётган танқид тафаккури сифатида талқин этилди.

8. Адабий танқиднинг модернизмга оид баҳс-мунозараларида илгари сурилган концепция бадиий-эстетик қонуниятлар ҳақидаги шўро давридаги қарашларни янгिलाганлиги методологик такомил сифатида баҳолан

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.2. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги Қарори // Халқ сўзи. – 2006. – 8 август.
- 1.3. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2007 йил 15 январда қабул қилинган // Халқ сўзи. – 2007. – 16 январь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

- 2.1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмаси куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 176.
- 2.2. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Халқ сўзи. – 2009. – 27 июнь.
- 2.3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.24.
- 2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: O`qituvchi, 2012. – Б.180.
- 2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XX аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 333.
- 2.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 38.

2.7. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 380.

2.8. Каримов И.А. Ҳозирги замон журналистикаси. – Т.: Aloqachi, 2008.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 28.

III. Махсус адабиётлар

3.1. Алишер Назар. Холислик эҳтиёжи. – Т.: Muharrir, 2013. – Б. 95.

3.2. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – Б. 328.

3.3. Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz soʻz, 2011. – Б. 312.

3.3I.IV. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – Б. 207.

III.V. Маҳмуд Қошғарий. Турк сўзлари девони. Т.:Ўзбекистон, 2004. – Б. 472.

III.VI. Маҳмуд Қошғарий. Турк сўзлари девони. Т.:Ўзбекистон, 2004. – Б. 472.

III.VII. Норматов У. Уфқларнинг чин ошиғи. – Т.: Yurist-media markazi, 2008. – Б. 95.

III.VIII. Рэндалл Д. Универсальный журналист: перевод с английского Алексея Порьяза. – Алматы: Центральноазиатская школа молодых журналистов, 1996. – С. 345.

Ўзбек адабий танқиди антология. – Т.: Турон Иқбол, 2011. – Б.463.

III.IX. Саид Аҳмад . Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 333.

- III.X. Шодмон Отабек. Мирзакалон Исмоилий сабоқлари. – Т.: Davr Press, 2010. – Б. 63.
- III.XI. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 428.
- III.XII. Потебня А. Эстетика и поэтика. – М.: 1976. – С. 330.
- III.XIII. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006. – Б. 212.
- III.XIV. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 485.
- III.XV. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. – Б. 382.

IV. Газета ва журналлар материаллари:

- 4.1. Абдуллаев О. Бадий таҳлил жилолари // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 2-сон. – Б. 187.
- IV.II. Абдусаматов Ҳ. Санъат синоати // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 4-сон. – Б. 8.
- IV.III. Исломов Т. Ижодкор ким? // Театр. 2011. – 3-сон. – Б. 40.
- IV.IV. Каримов Н. Қайта қуриш ва адабий танқид // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2011. – 27 май. – Б. 3.
- IV.V. Мадаев О. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – 2013. – 3 май. – Б. 3.
- IV.VI. Норматов У. Қодирий абадияти // Жаҳон адабиёти. – 2010. – 3-сон. – Б. 188.
- IV.VII. Порлатир И. Янги турк шеърят // Жаҳон адабиёти. – 1998. – 4-сон. – Б. 151.
- IV.VIII. Раҳимжонов Н. Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал... // Жаҳон адабиёти. – 2010. – 6-сон. – Б. 150
- IV.IX. Тўлабоева Р. Учқур ҳаёл мевалари. // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 1-сон. – Б. 182.

IV.X. Ҳамдамов. У. Шарқ шеърлятида ижтимоий фикр фикр такомили // Жаҳон адабиёти. – 2011. – 5-сон. – Б. 183

IV.XI. Қодиров П. Миллатпарвар зиёлилар минбари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2006. – 19 февраль. – Б.3.

V. Интернет манбалари:

V.I. www.uzreport.com.

V.II. www.uza.uz.

V.III. www.ziyoNet.

“Ўзбекистон адабий-бадий нашрларида танқидчилик масалаларининг ёритилиши”

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Жаҳон адабиёти”, “Театр” журналларининг 2010-2012 йиллардаги материаллари мисолида.)

